

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**“НАВОЙШУНОСЛИК” ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Таълим йўналиши:
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича)

Т у з у в ч и л а р:

Юсуф ТУРСУНОВ

Тошкент – 2011

Ўқув-услугий тўплам намунавий дастур ва таълим йўналишининг ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ва кафедра мажлисининг 2011 йил, 4 июнида ўтказилган 12- сонли мажлисида, факультет илмий-услугий кенгашининг 2011 йил, 20 августидан ўтказилган 1-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Фаннинг ўқув-услугий тўплами Тошкент давлат Шарқшунослик институти Ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган (2011 йил 22 августдаги 1- сонли баённома).

Т а қ р и з ч и л а р:

филология фанлари доктори, профессор **Х. Болтабоев**
филология фанлари номзоди, доцент **М. Эшмухамедова**

Тошкент давлат Шарқшунослик институти Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича) таълим йўналишининг ўқув режасига “Навоийшунослик” фани киритилган. Фаннинг бош мақсади талабаларга ўзбек адабиётининг йирик вакиллари билан бўлмиш, ўзбек тилининг юксалишига катта ҳисса қўшган Алишер Навоийнинг ёзма мероси, Талабаларга ушбу курс бир йил давомида ўқитилади.

“НАВОИЙШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тузувчилар: проф. Фаниева С. доц. Сотиболдиева С. -

Кириш

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, навоийшуносликда ҳам олимлар учун кенг уфқлар очилди. Фаннинг **долзарблиги** шундаки, ҳазрати Алишер Навоийнинг бадиий-маънавий дурдоналари билан халқимизни таништириш, уларни бугунги жамиятимиз ҳаёти учун, халқимизнинг маънавий камолоти учун хизмат қилдириш вазифасини кўндаланг қўяди.

“Навоийшунослик” фанининг дастури ўзбек халқининг буюк шоири ҳазрати Навоий ижодини ўрганиш мактабини яратган олимлар тадқиқотларини таҳлили этиш, Навоийнинг хамсачилик мактабига қўшган ҳиссаси, шоир ғазалларнинг мазмуни, моҳияти, уларда тилга олинган ахлоқий, ижтимоий, фалсафий, тасаввуфий муаммоларнинг илмий таҳлили, уларнинг бадиий хусусиятлари, образлар тизими, рамзийлик шунингдек, Навоийнинг Фоний таҳаллуси билан тартиб этган девони ва унга кирган татаббуъларининг мазмуний таснифи, бадиияти каби бир қатор **масалаларни қамраб** олади.

Адабий меросни ҳозирги кунимизга актив хизмат қилдиришнинг фундаментал йўли — бу классикларимиз асарларини, адабиётимиз тарихини назарий аспектда ўрганишга алоҳида эътибор беришдир. Маълумки, адабий меросимизнинг асосий қисмини шеърят ташкил қилади. Йиллар ўтган сайин классик шеърятни тушуниш, лиризм билан йўғрилган донишмандона нуқтаи назар, туйғулар диалектикасини шартли тимсоллар орасидан уқиб олиш қийинлашиб бормокда. Ўз-ўзидан адабиётшуносларимиз олдида мумтоз шеърятнинг бадиий хусусиятлари, ғоявий тимсоллари, тасаввуфий образлар силсиласини тадқиқ этиш ўта муҳим масалалардан бўлиб қолмокда. Талабаларга ушбу масалаларни классик адабиётнинг гениал ижодкори Алишер Навоий асарлари мисолида илмий ҳал этиш йўллари ўргатишга қаратилгани ушбу фаннинг **аҳамиятини** белгилайди.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

“Навоийшунослик” фанининг асосий **мақсади** талабаларни Алишер Навоий ижоди билан яқиндан таништириш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

-Талабаларга навоийшунослик илмининг моҳияти, тарихи ва истиқболлари ҳақида маълумот бериш;

-Навоий ижоди меросига умумий тавсиф бериш;

-Навоийнинг хамсачилик анъанасига қўшган ҳиссаси ва новаторлигини “Хамса” дostonларининг бадиий таҳлили мисолида ёритиб бериш;

- Навоий ғазалларини беҳато ўқий олиш, уларда акс этган асл мазмун моҳиятини тўғри тушуниш ва талқин этиш қўникмасини шакллантириш;

-Навоий асарларининг бадииятини асл қўлёзма манбалардан олинган мисоллар орқали очиб беришга ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Навоийшунослик” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- Алишер Навоий ижодининг шаклланишига муҳим таъсир ўтказган ижтимоий-сиёсий муҳит ва тарихий шароит хусусиятларини;
- Шарқ мумтоз шеърятининг асосий жанрлари ва шакллари, шеъринг тизимлар, уларнинг юзага келиш тарихи ва тарихий тақомили масалаларини;
- Поэтика (“илме қофия”, “илме бадеъ”, “илме аруз”)га оид илк назарий манбаларни **билиши керак**;
- Алишер Навоий ижоди бўйича тадқиқотлар олиб бориш **кўникмасига эга бўлиши**;
- Навоий асарларини ўқиб, матндаги чуқур фалсафий маъноларни тўғри англаши ва шоир асарларидаги бадиий нафосатни таҳлил эта олиш **малакасига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Навоийшунослик” асосий ихтисослик иккинчи курснинг биринчи ва иккинчи семетри фанлари қаторида туради. Ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ўқув режасида кўзда тутилган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар (Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили), умумқасбий фанлар (асосий шарқ тили, тилшуносликка кириш, қўшимча шарқ тили в.б.) ва ихтисослик фанларидан етарли билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни

Мактабгача таълим муассасаси, ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касбухунар коллежларида ҳамда ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, Тил ва адабиёт институти, Тарих илмий текшириш институтларида фаолият олиб борилганда “Навоийшунослик” курсидан олинган билимлар қўл келади. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани саналиб, мумтоз филология таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Навоийшунослик” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Улар орқали талабанинг оригинал тилдаги бадиий асарга ижодий ёндошишга, поэтикасини англашга, чуқур адабий таҳлилга тортишга ҳаракат қилиши лозим. Фанни ўзлаштиришда анъанавий услублардан (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза мантлари, тарқатма материаллар) ташқари электрон материаллар, илғор педагогик технологиялардан (дарсни диалог тарзида ёки жонли мулоқот тарзида олиб бориш ва бошқалар) фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлар мазмуни

Навоийшуносикка кириш.

Навоий ижодий меросининг ўрганилиши тарихи ва истикболлари. Тазкираларида Навоий шахсининг зикри. Навоий асарларини қоғозга туширган хаттотлар.

Навоийшуносик мактаби. С.Айний, А.Фитрат, Е.Э.Бертельс, Ҳ.Сулаймон, А.Рустамов, профессор А.Ҳайитметов, Ш.Шомухамедов, Н.Комилов, И.Ҳаққул, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқовларнинг Навоий ижоди борасида олиб борган тадқиқотлари.

Навоий ижодий мероси

Султон Али Машҳадий томонидан китобат қилинган - Илк девон (1465-1466). “Бадоеъ ул бидоя” (1479 йилда кўчирилган) Навоий томонидан тузилган биринчи девон. “Наводир ун ниҳоя” (1486 й.).

“Хазойин ул маоний” куллиёти ва унга кирган девонлар: “Ғаройиб ус сиғар”, “Наводир уш шабоб”, “Бадоеъ ул васат”, “Фавойид уд кибар”.

“Хамса”

Навоий ижодида хамсачилик анъанаси ва новаторлик. Навоий “Хамса” (1483-1485) сини ташкил этувчи дostonларнинг композицион ва семантик хусусиятлари. “Ҳайрату ул аброр”да Инсон ва унинг руҳияти учун зарур омилларнинг фалсафий, ижтимоий, ахлоқий масалалар билан боғлиқ талқин этилиши. “Фарҳод ва Ширин” дostonида меҳнат, муҳаббат ва дўстликнинг улуғланиши. “Лайли ва Мажнун” дostonида Ишқ қудрати талқини. “Сабъаи сайёр”да эътиқод, мардликнинг улуғланиши, нопок иллатларнинг қораланиши. “Садди Искандарий” дostonида илм, фаннинг улуғланиши ва одил шоҳ гоёси.

“Лисонут тайр”

Фаридуддин Атторга издошлик ва “Лисонут тайр” дostonи. “Лисонут тайр”да илоҳиётга эришув машаққатлари. Комиллика элтувчи йўл.

“Мажолис ун нафоис”

Навоийнинг тазкиранависликдаги янгиликлари. “Мажолис ун нафоис” (1491 йилда ёзилган) туркий тилдаги биринчи тазкира сифатида. Тазкирада илк бор бадиий ижод билан шуғулланган шоҳ ва шахзодалар ҳақида маъулмотларнинг берилиши.

“Маҳбуб ул қулуб”

“Маҳбуб ул қулуб” (1500 йилда ёзилган) да фалсафий, ижтимоий сиёсий ва дидактик масалаларнинг ёритилиши.

Навоий ижодида маноқиб жанри.

Навоий ва Жомий дўстлиги хусусида. “Хамсат ул мутаҳаййирин” (“Ҳайратланганлар бешлиги”, 1494) Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти, ижоди, маънавий дунёси ҳақидаги асар. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” Навоийнинг ўз дзстлари, маслакдош устозлари ҳақидаги маноқиблар сифатида.

Навоийнинг илмий асарлари

Навоийнинг тилшунослик ва адабиётшуносликка оид асарлари. “Муҳакамат ул луғатайн” илмий наср намунаси. Асарда Она тили, бадиий ва илмий ижод масалаларининг ёритилиши. “Мезон ул авзон” (“Вазнлар ўлчови”) аруз илми ва туркий шеърятдаги ўлчовлар ҳақидаги асар. “Муфрадот” муаммо жанри ҳақидаги форсий рисола.

Навоийнинг тарихга оид асарлари. “Тарихи мулуки ажам” (“Эрон подшоҳлари тарихи”, 1488) да эрон шоҳларининг 4 сулоласи таърифи. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” да пайғамбар, асҳоб, олим ва мутафаккирлар таърифининг келтирилиши.

Диншуносликка оид асарлари. “Арбаъин”. хадисларни ёд олиш ва тарғиб этиш, “Сирож ул муслимин” ислом аҳкомларини ёшларга тушунтириш мақсадида ёзилган асар.

Алишер Навоий лирикасида образлар тизими, рамзийлик ва мажоз.

Навоий ижодида ишқ талқини. Ишқи илоҳий ва ишқи мажозий. Инсон аъзолари ва уларнинг рамзий талқини. Тасаввуфий истилоҳлар. Ёр. Ошиқ. Пири комил. Муғанний. Ринд. Муғбача. Соқий. Тарсо. Шамъ. Парвона. Симурғ. Жунун водийси. Фано. Бақо. Ҳайрат. Май. Соғар

Навоий ижодида “Комил инсон” концепцияси.

Навоий ижодида Инсон масаласи. Навоий ижодида “илм” ва “илм аҳли”. Кўз, тил, дил поклиги. Нафси енгмоқ. Халқ дардида яшамоқ.. Ўзликни англаш.

Форс-тожик ва ўзбек адабий алоқларида Навоий ижодининг ўрни.

“Девони Фоний” ҳазрати Навоийнинг форсий шеърлари ва қасидалари жамланган ягона куллиёт. Навоий-Фоний “Девони”даги ғазалларининг мавзулари доираси. Аллоҳ Таоло ва унинг ҳусни жамолини мадҳ этувчи - васф ғазаллар, илоҳий ишқни мадҳ ва талқин этувчи ғазаллар, айрилик мотивидаги ғазаллар, мажозий ишқни куйловчи ғазаллар, табиат гўзаллигини кашф этувчи, табиат манзаралари билан руҳий оламни уйғунлигини очувчи ғазаллар, дўст-ёрлик муносабатларига бағишланган ғазаллар, ижтимоий адолат мавзудаги ғазаллар, май тавсифига бағишланган ғазаллар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар назарий машғулотларда олган билимларини мустақамлайдилар. Улар матнни аслиятда мутоала қилиш ва бадиий таҳлилни амалга ошириш кўникмасига эга бўладилар. Амалий машғулотлар учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Навоий “Хамса”сини ташкил этувчи дostonларнинг вазн хусусиятлари.
2. Маноқиб жанри хусусиятлари.
3. Ғазал таҳлили (“Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил/Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил” матлаъи билан бошланувчи ғазалининг вазн хусусиятлари ва бадиий таҳлили).
4. “Лисонут тайр” дostonида образлар тизими.
5. Навоий лирикасида талмеҳ санъати. Ғазал таҳлили мисолида
6. Навоий лирикасида иқтибослар ва уларнинг функцияси. Ғазал таҳлили мисолида
7. Тазкиранинг жанр хусусиятлари.
8. Навоий ташбеҳлари. Ғазал таҳлили мисолида
9. Навоий ғазалларида таносуб санъатининг қўлланилиши. Ғазал таҳлили мисолида
10. Навоий ғазалларида Ринд образи. Ғазал таҳлили мисолида.
11. Симурғ образининг халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиётдаги талқини.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида талабанинг муайян бир мавзуни мустақил равишда бажариши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Дастурда кўзда тутилган мустақил таълим мавзулари талабанинг илмий адабиётлар билан ишлаш малакасини ва адабий жараёнларни илмий тадқиқ этиш кўникмаларини шакллантиради.

Дарс жараёнида мустақил таълимнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўқув дастурига киритилган айрим мавзуларни дарслик, ўқув қўлланма ёки қўшимча назарий китоблар ёрдамида мустақил ўрганиш. Ишнинг натижаларини семинарлар ёки коллоквиумларда бажарилган рефератлар, индивидуал топшириқлар ва ҳ.к. бўйича тақдим этилади.
2. Тарқатма материал бўйича маърузанинг маълум қисмини ўзлаштириш. Тарқатма материал ҳажми – ҳар бир маъруза учун 5 -8 бет. Мазкур ишнинг натижалари рейтинг-назорат тегишли босқичларида текширилади.
3. Кутубхона фондларида сақланаётган илмий ишлар (номзодлик ва докторлик диссертациялари), илмий–назарий адабиётлар, қўлёзма манбалардан фойдаланган ҳолда берилган мавзуни ёзма ёритиб бериш.

Мустақил иш мавзулари:

1. Навоий ижодида лирик жанрлар таснифи.
2. Навоий қасидаларининг тематикаси.
3. Навоий ва Жомий ижодий ҳамкорлиги.
4. Навоий ижодида татаббуъллар.
5. Навоий мактублари.
6. Навоий ижодида ҳадис ва Қуръони карим оятларига мурожаат.
7. Навоий муаммолари. (“Муфрадот” асари мисолида)
8. Навоийнинг “Муножот” асари.
9. Навоийга нисбат берилган асарлар.
10. Навоийшунослик мактабини яратган ўзбек олимлари (Академик Алибек Рустамов, Суюма Ғаниева, А.Ҳайитметов, И. Ҳаққул) нинг илмий фаолияти.

Дастурнинг информацион – услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

- Маъруза дарсларида интернет сайтларидан фойдаланиш.
- Амалий машғулотларда диалог (мулоқот), ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, таққослаш педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш.

Талабалар олдида фанга тааллуқли илмий муаммо қўйиш ва гуруҳли фикрлаш орқали уни ечимини топиш назарда тутилади

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

Асосий

1. Алишер Навоий. Арбаин. “Меҳнат”, 1991
2. Алишер Навоий. Бадоеъ ул бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд, 1987.
3. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи С. Ғаниева). Тошкент, Фан, 1991
4. Алишер Навоий. Танланган асарлар. Тошкент, Ўз.Давл.нашр. 1968
5. Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Девон, Тошкент,1960.- 496 б.
6. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
7. Алишер Навоий. Девони Фоний. Техрон, 1339 ҳижрий
8. Алишер Навоий. Асарлар. 20-томлик. «Тошкент» Бадиий адабиёт нашриёти, Т, 1965.
9. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.Т., ФАН, 1983.
10. Аристотель. Поэтика. /Поэзия санъати ҳақида/Т,: Г. °улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
11. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. (Форсчадан А. Рустамов таржимаси). Ғ.Ғулом Адабиёт ва санъат номидаги нашриёти, 1981.
12. Адабий турлар ва жанрлар. II- жилд. Лирика. Т.: ФАН,1992.

Қўшимча адабиётлар

13. Акромов Б. «Фасоҳат мулкининг соҳибқирони», Т: «Ўзбекистон», 1991.
14. Бертельс Е. Э. Изб. труды. Суфизм и суфийская литература. М., 1965
15. Бертельс Е. Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы./Отв.ред. И.С. Брагинский/ М.: Наука, 1960.
16. Бертельс Е. Э. Избранные труды. Наваи и Джами. М., Наука, 1965.
17. Бобур З. М. Мухтасар. /Маъсул муҳаррир Ҳ. Сулаймон/ Т., ФАН, 1971
18. Воҳидов Э. Шоиру шеър ушуур. Т., 1987.

19. Иванов С. Пять веков узбекской газели. В красе нетленной предстаёт. Узбекская классическая лирика XV-XX вв. /Антология. Сост. Вступ. статья с.5-39, примеч. и пер. со староузб. и узб. С. Иванова//М., Наука, 1977.
20. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. / «Хазойинул маоний» асосида/Т.: ФАН, 1983.
21. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи, К.1-Т., «Ёзувчи», 1996.
22. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи./маъсул муҳаррир В.А. Абдуллаев. Биринчи китоб. (XVII аср)/-Т.: Ўқитувчи, 1976..
23. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1976,
24. Маҳмудов М. Аҳли дил, Т.: «Ўқитувчи», 1998.
25. Олим Султонмурод. Ишқ, ошиқ ва маъшук. Т., Фан, 1992.
26. Равшанов П. ва бошқалар. Ўтиқод ва ҳаёт бирлиги.Равшанов П,М.Имомназаров, О.Жумаев. Т., 1989
27. А. Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти,1979.
28. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкиратуш-шуаро”дан). Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1981.
29. Иззат Султон. «Адабиёт назарияси». Т., Ўқитувчи, 1980.
30. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари, Т.:1959.
31. Ҳайитметов А. Шарқ адабиёти ижодий методи тарихидан, Т.:1970
32. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т., ФАН, 1961.
33. Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. Адабий-танкидий мақолалар. Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1985.
34. Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. Т., «Ёш гвардия», 1980.
35. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
36. Ҳаққул И. Занжирбанд шеър қошида. Т., «Юлдузча», 1989.
37. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. Т., “ФАН”, 2007
38. Шамсиев П. Ўзбек классик асарлари учун қисқача луғат. Т., ФАН, 1953.
39. Шомухамедов А. Ҳамкорлик самаралари. Т., ФАН., 1982.
40. Шомухамедов А. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои. (На примере татаббуат Фани на газели Джами). Т., ФАН, 1984.

Ўқиш учун тавсия этиладиган китоблар

Энг керакли китоблар:

Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1964.

Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1987.

Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976.

Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.

Қўшимча китоблар:

Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.

Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. М.–Л., 1952.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.–Л., 1959.

Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I–III. Нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Тошкент, 1960–1963.

Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, 2002.

Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва матншунослик масалалари). Тошкент, 1997.

Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. Тошкент, 2009.

Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI–VIII вв. М., 1965.

Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М., 1976.

Стеблева И.В. Стихи и время. – В кн. Сад одного цветка. Статьи и эссе. М., 1991. С. 277–293.

Тиливалди-Хамраев А. Древнетюркский книжный стих (Формирование древнеуйгурской книжной версификации и проблема аллитерационного стиха). Алматы, 2002.

Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. Ташкент, 2004.

Қадимий ҳикматлар. Тошкент, 1987.

Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Тошкент, 2000.

Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959.

Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, 1971.

Arat R.R. Эски Türk Şiiri. 3. baskı. Ankara, 1991.

www.turfanforschung.com

www.altaika.ru

www.turkolog.ru

www.tonyukuk.co

ФАННИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Курс	3
Семестр	5
Назарий машғулотлар	19
Амалий машғулотлар	19
Мустақил таълим	20
Рейтинг – ҳар бир талабага	0,5 соат

Hafta	Darslarning ўқув мавзулари	Дарснинг шакли	Соат	Адабиёт	Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишлар	Назорат шакллари	Мавзу учун максимал балл	Муст ақил иш учун макс. балл
1	Навоийнинг ҳаёт йўли	Назари й	2	<i>Абдуллаев В.А.</i> Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1964.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Оғзаки суҳбат	1	
2	Навоий лирикаси	Назари й	2	<i>Каримов Ф.</i> Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1987.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Оғзаки суҳбат	1	1
3	Навоий лирикаси мавзулари	Назари й	2	<i>Маллаев Н.М.</i> Ўзбек адабиёти тарихи.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Таҳлилий	1	

				Тошкент, 1976.				
4	“Келмади” радгули ғазалининг бадий-ғоявий таҳлил қилиш	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	1	1
5	Навоий лирикасининг асосий жанрлари	Назари й	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	1	1
6	Навоий қасидалари	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	1	1
7	“Ҳилолия” қасидаси ва унинг ғоявий- бадий таҳлили	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	1	
8	Навоийнинг “Назм ул- жавоҳир” асари	Назари й	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	2	
9	Асар бўёча бадий таҳлил	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	1	1
	О.Н.						10	5
10	Навоий насри “Мезон ул- авзон”, “Вақфия”, “Маҳбуб ул- қулуб”	Назари й	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол- жавоб	1	1

11	Асарлардан айрим ҳарчаларни таҳлил қилиш	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	
12	Навоий “Муншаот”И – иншо санъатининг туркей намунаси	Назари й	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	1
13	Хусайн Бойқаро ва шахзодаларга ёзилган мактублар таҳлили	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	
14	Навоий – адабиётшунос	Назари й	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	1
15	Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари устида амалий машғулот	Назари й	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	
16	Навоий-тарихнавис	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	1
17	Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	
18	Асардаги Навоий келтирган	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи.	Навоий ижоди бўйича қилинган	Савол-жавоб	1	1

	феълларга шоир ижодидан мисол келтириш			Беш томлик. Тошкент, 1980.	ишларни ўқиш			
19	“Маҳбуб ул-қулуб”- ахлоқий дидактик асар.	Амалий	2	Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.	Навоий ижоди бўйича қилинган ишларни ўқиш	Савол-жавоб	1	
	Оралиқ назорат						10	5
	Яқуний назорат						30	
	Жами мустақил таълим						20	
	Жами						100	

“ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ” ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Гиёсиддин кичкина ва бир неча қариндошлари темурийлар саройига яқин турган амалдор аристократлар, бувлари эса темурий шаҳзодаларнинг энагалари бўлган. Алишер гўдаклигида темурий шаҳзодалар билан бирга тарбияланди. Тўрт ёшида уни ўқишга бердилар. Зийрак ва қобилиятли Алишер мактабдаги бошқа болалардан ажралиб турар ва катталарнинг диққатини ўзига жалб қилар эди. Бироқ Ҳиротдаги ўқиш узоққа чўзилмади.

Шаҳзодалар ва амир-амадорлар ўртасида тож-тахт учун бўлган кураш кучайиб бормоқда эди. Тож-тахт талашлари тўқнашувларга айланиб, мамлакатнинг хароб ва халқнинг янада хонавайрон бўлишига сабаб бўлар эди. Айниқса 1447 йилдан – Шохруҳ мирзо вафотидан кейин темурийларнинг тож-тахт талашини ниҳоятда кескинлашиб кетди. Хуросонда қизиб кетган бу ўзаро уруш-жанжаллар кўп кишиларни турли томонга кўчиб кетишга мажбур этди. Жумладан, Навоийлар оиласи Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшай бошлади. Тафтда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий турар эди. Ёш Алишер бу олимнинг суҳбатида бўлди. Али Яздий ёш Алишернинг ақли ва фаҳм-фаросатидан ғоят хурсанд бўлди.

Орадан 2-3 йил ўтгандан кейин ўзаро феодал урушлар ҳийла пасайди ва Хуросонда бирмунча тинчлик бошланди. 1452 йилда Алишер оиласи Ҳиротга қайтиб келди. Гиёсиддин кичкина Абудқосим Бобир (1452-1457) саройида хизмат қила бошлади. Кўп ўтмай Абудқосим Бобир уни Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади.

Навоий Ҳиротда қолди ва ўқишини давом эттирди. У адабий асарларни қунт билан ўқий бошлади. У Саъдийнинг (1184-1292) “Гулистон”, “Бўстон” китобларини, айниқса Фаридиддин Атторнинг (1230 йилга яқин вафот этган) “Мантиқ-ут-тайр” (“Қуш нутқи”) асарини қайта-қайта ўқир ва ёд олар эди. Фаридиддин Атторнинг мистикани ва таркидунёчиликни тарғиб этувчи бу асари ёш Алишерга ёмон таъсир қилди. Натижада у кишилардан четлашадиган ва ёлғизликни ёқтирадиган бўла бошлади. Бу ҳол унинг ота-онасини ташқишга солди. Улар боланинг ақлига зарар етмасин деб, хавфсирар эдилар. Алишернинг “Мантиқ-ут-тайр”ни ўқиши ман қилинди. Лекин бу чора фойдасиз эди, чунки у бутун китобни ёдлаб олган эди. Бироқ “Мантиқ-ут-тайр”нинг таъсири узоқ давом этмади.

Ота ва она Алишернинг ҳар томонлама билим олиши учун барча шарт-шароитларни туғдирдилар. Алишер замонининг машҳур музикашуноси Хўжа Юсуф Бурхондан музика ўргана бошлади ҳамда тарих, адабиёт, ҳуснихат ва бошқалар билан жиддий шуғуллана бошлади.

Алишер айниқса адабиётни севди. Оила муҳити болалигидаёқ унда адабиётга зўр ҳавас туғдирган эди. Алишернинг отаси маърифатпарвар киши ва санъат ҳамда адабиёт муҳибларидан эди. Алишернинг Абусаид мирзо томонидан қатл қилинган тоғалари Мир Сайид (тахаллуси Кобулий) ва Муҳаммад Али (тахаллуси Ғарибий) ҳам қобилиятли шоир бўлган эдилар. Навоий “Мажолис-ун-нафоис” асарида Кобулий ҳақида: “Яхши таъби бор эди, туркчага майли кўпроқ эрди...” – деса, Ғарибий ҳақида: “Хуш муховара (хушсухбат) ва хушхулқ ва хуштаъб ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чолар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...” – дейди. Навоийлар уйида тез-тез шоирлар тўпланишиб, шеърлар ўқишар, адабиёт ва санъат ҳақида музокаралар қилар эдилар. Буларнинг ҳаммаси ёш Алишерда адабиётга зўр ҳавас уйғотган эди.

Алишер бадиий асарларни ўқиш ва ўрганиш билан кифояланиб қолмади. Унинг ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади. Навоийнинг неча ёшидан бошлаб шеър ёзганини билмаймиз. Лекин шуниси маълумки, у 10—12 ёшларидаёқ бадиий завқи ва диди ҳамда й.к даърлари билан маълум бўлиб, катта санъаткорлар ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Навоийнинг ўзи «Мажолис-ун-нафоис»да кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишганини сўзлайди: «... фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақир орасида эълон ва ирсол воқеъ бўлди...». Миршоҳий вафот этганда Навоий 12 ёшда эди. 10—12 ёшли боланинг кекса шоир билан хат ёзишуви Алишернинг зўр қобилияти ва истеъдодидан хабар берар эди. Бунга қуйидаги бир воқеа ҳам равшан далил бўла олади.

Навоийнинг болалик чоғларида шоир Лутфий хийла қариб қолган эди. Навоий Лутфийни ўзининг устози ҳисобларди. Кекса Лутфий ёш Алишернинг истеъдодига қизиқди ва унга катта баҳо берди. Навоийнинг замондоши тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, кунлардан бирида Лутфий Навойдан ёзган янги шеърларидан ўқиб беришни сўраган. Навоий қуйидаги матлаъли ғазалини ўқиган:

Оразин ёпқоч кўзимдан сонилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч куёш...

Бу ажойиб ғазалдан қаттиқ ҳаяжонланган Лутфий: «Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг шеъримни шу бир ғазалга алмашар эдим» деган.

Алишер отадан ёш етим қолди. У маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобир қарамоғида тарбиялана бошлади ва 15 ёшида Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга Абулқосим Бобирнинг саройида хизмат қила бошлади. Абулқосим Бобир 1456 йилда Машҳадга жўнади. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳам Абулқосим Бобир билан Машҳадга бориб, ўша ерда ўқишни давом эттиришади. 1457 йилда Абулқосим Бобир вафот этади. Навоий Машҳадда қолиб ўқишини давом эттиради. Мансаб ва давлат орзусида юрган Ҳусаин мирзо Марвга бориб, тахтни эгаллаш учун куч тўплай бошлайди.

Машҳадда қолган Навоий мантиқ (логика), фалсафа, риёзиёт (математика) ва бошқа фанлар билан шуғулланди, айниқса Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Саъдий, Атоий, Лутфий ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини кунт билан ўргана бошлади. Ўзбек ва форс-тожик тилларида бир қанча шеърлар битди. У икки тилда ҳам гўзал шеърлар ёзгани учун «зуллисонан» (икки тил эгаси) номи билан шуҳрат қозонди. Ўзбек тилидаги шеърларида «Навоий» («наво» сўзидан), форс-тожик тилидаги шеърларида эса асосан «Фоний» («фано» сўзидан) ва баъзан «Навоий» тахаллусини қўллайди.

Навоий Машҳадда Сайид Ҳасан Ардашер ва Камол Турбатий каби даврининг машҳур шоирлари билан танишади. Навоий билан танишган маърифатпарвар кишилар унинг қобилиятига тан берар ва у билан умрбод дўстона муносабатда бўлиб қолар эдилар. Навоий «Мажолис-ун-нафоис»да Машҳадда рўй берган қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Кунларнинг бирида Навоий бетоб бўлиб мусофирхонада ётган экан. Бир вақт бир неча киши Навоий ётган бинога кириб

мусофирларга хайр-садақа қилиб, бинонинг деворларидаги шеърларни ўқиб муҳокама қилибдилар. Улар бир байтнинг мазмуни устида мунозаралашиб қолибдилар. Кексароқ бир киши ўз фикрини кўпчиликка маъқул қилади. Шунда Навоий мунозарага аралашиб, кекса кишига эътироз билдириб, бошқаларнинг фикри тўғри эканини айтади. Шундан кейин кекса киши хато қилганига иқроор бўлади. Навоий билан қилган суҳбатидан мамнун бўлади. Навоий Машҳадда турган вақтда, уни бир неча бор йўқлаб келади ва кейинчалик унга совға-саломлар юбориб туради. Бу киши ўз замонасининг машҳур шоиларидан Камол Турбатий эди.

Навоий билан айниқса Сайид Ҳасан Ардашер ўртасида яқин дўстлик пайдо бўлади. Сайид Ҳасан Навоийнинг истеъдодига юқори баҳо беради ва уни бадиий ижод соҳасидаги фаолиятини кунт билан давом эттиришга ундайди. Навоий бу маърифатпарвар одам ҳақида кейинчалик «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» деган биографик-адабий асар ёзади.

Навоий тахмиан 18—19 ёшларида Абдурахмон Жомий билан танишади. Навоийнинг билим савияси ва адабий қобилиятидан мамнун бўлган Жомий уни ҳам шогирд, ҳам фарзанд деб биларди. Кўп ўтмасдан шогир ва устознинг муносабатлари икки улуғ шоир ва мутафаккирнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига айланди.

Ҳиротдаги тож-тахт талашлари бирмунча пасайгандан кейин Навоий Ҳиротга қайтади. 1459 йилда Хуросон тахтини ҳам эгаллаган Абусаид энг жоҳил ва золим феодал ҳукмдорлардан эди. Шафқатсиз Абусаид жуда кўп кишиларни, ҳатто ўз қариндошларини, жумладан, Улуғбекнинг бир неча оила аъзоларини қатл қилди. Абусаид XV асрнинг энг реакцион руҳонийси Хўжа Аҳрор билан жуда яқин бўлиб, унинг кўрсатмаси билан иш қилар эди. Дин-шариат ниқоби остида чексиз ер ва ҳисобсиз мол-мулкни қўлга киритган Хўжа Аҳрор бир қанча даҳшатли воқеаларга, кўп кишиларнинг хонавайрон-лигига сабаб бўлган эди. Абусаид эл-юртни эзиб талаш билан бирга илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини таъқиб остига олади.

Абусаидга қарши халқ норозилиги кундан-кунга кучайиб бормоқда эди. Хуросонда Абусаидга қарши кўп кўзғолонлар кўтарилди. Хоразмда эса Абусаиднинг зулмидан безган халқ Абусаиднинг нойиби Қутлуғ Дарвишга қарши кўзғалиб, унинг ўғлини ўлдирди. Бадахшонда ҳам Абусаидга қарши катта кўзғолон бўлди ва ҳоказо.

Абусаид саройида бир оз вақт хизмат қилган Навоий тезда унинг сиёсатидан каттиқ ғазаблана бошлади, эл-юртнинг мусибатли ҳаётига ачинди. Абусаиднинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Навоий кейинчалик Машҳаддаги дўсти Саид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида ўша даврдаги машаққатли ҳаётнинг ҳақиқий манзараларини тасвирлаб берди. Хондамир Навоийнинг Абусаидга қарши норозилиги ва ғазаб-нафратини ифодалаб, қуйидаги бир воқеани ҳикоя қилади:

«Султон Абусаид замонида бир кун ишавкатли Амир (Навоий) Паҳлавон Муҳаммад билан БОҒИ Сафидда сайр қилиб юрган эди. Шу пайтда Паҳлавон Муҳаммаднинг танишларидан Юсуф номли бир киши учраб қолди, у вазирлардан шикоят қилиб, «улар сувимни зўрлик билан олдилар, мен бу воқеадан Абусаид мирзога арз қилгани келган эдим, бироқ соқчилар унинг олдига киришига қўймадилар, ваҳоланки, менинг аҳволим жуда ночор: ҳар қимдан бир оз нонни тиланчилик билан олиб, шу билан кун кечирмоқдаман - деди. Олий ҳазрат (Навоий) унга қараб (ачиниши билан) шу байтни ўқидилар. Байт:

Гадоеки нон аз дари шоҳ жуст,

Бибояд зи оби худаи даст шуст.

(Подшо эшигидан нон излаган тиланчи ўз суви билан қўлини ювиб, қўлтигига урмоғи, яъни ҳамма нарсадан воз кечмоғи керак.)»

Навоий кейинчалик «Садди Искандарий» («Искандар девори) достонида бу золим ва жоҳил ҳукмдор ҳақида сўзлаб, унинг ҳалокатига кўшиннинг норозилиги сабаб бўлди, деб кўрсатади: «Султон Абусаид... кўп мамлакатлар олди ва тиф «билан... элга ошуб солди ва лекин сипоҳиси (кўшини) рози эмас эркандин, уруш вақти барча кўзғолди ва ўзи аду (душман) аро таҳликага қолди».

Абусаид ҳам Навоийнинг норозилигини билар эди. Табиийки, Абулқосим Бобирнинг ўрнига Хуросон тахтига ҳам чиқиб олган Абусаид Бобирнинг яқин кишиларига, жумладан, Навоийга хайрихоҳ бўлолмас эди. Навоий Абусаидга қарши тож-тахт учун кураш олиб бораётган Ҳусайн Бойқаронинг мактабдоши ва дўсти эди. Навоийнинг тоғалари эса Абусаидга қарши кўтарилган бадахшонийлар ҳаракатини кўллаб-қувватлаган эдилар. Шуларга кўра Абусаид Навоийни, Заҳириддин Бобир (1483—1530) сўзи билан айтганда, Ҳиротдан «ихрож» (сурғун) қилди.

НАВОИЙ САМАРҚАНДА

Абусаид Навоийнинг отасидан қолган мол-мулкни мусодара қилдирган эди. Навоий қаттиқ моддий қийинчиликларга дуч келди. Хондамирнинг «Мақорим-ул-ахлоқ» китобида Навоийнинг моддий қийинчиликлари ва шунга қарамай, баланд ҳимматлилиги ҳақида характерли бир воқеа ҳикоя қилинади.

«... Абусаид замонида жума кунини Ҳирот шаҳри ичидаги масжиди жомийда жума намозини адо қилгандан кейин, Хиёбонда сайр қилиши учун ўша томонга жўнадим. «Муфарраҳ» кўчасига яқинлашганимда боши ва оёғи яланг ҳолда ўтирган бир гадоини кўрдим.

У айтар эди:

- Аёлманг кишиман, бир неча оч-ялангоч болаларим бор, эртадан буён ўтириб тиланаман, ҳозиргача ҳеч ким бир пул бергани йўқ.

Ул ҳазрат (Навоий) айтдиларки, ўша вақтда ёнимда бир танга бор эди, ундан бўлак дунё молидан ҳеч нарсам йўқ эди. Ўз-ўзимга шундай дедим: майда ва йирик нарсаларни яратувчига таваккал қилиб, бу тангани шу дарвишига берсанг, токи бола-чақаларининг бугунги овқатини тўғриласа, сенинг эса эрталик ризқингни худонинг ўзи етказар.

Ўша заҳотийёқ тангани унга бериб, ўтиб кетдим. Намозиомгача Хиё-бонда сайр қилиб юриб қайтдим. Қайтишида кўрдимки, ҳалиги дарвиш ўша жойда ўтириб, илгариги сўзларини айтиб тиланарди. Унинг ҳаддан таиқари ёлгончилиги ва тиланчиликдаги ўта ҳарислигидан таажжубландим. Аммо бу ишдан хабардор бўлганимни унга билдирмадим...».

Навоий шу аҳволда Самарқандга келди. Самарқандда ҳам дастлабки пайтларда моддий қийинчиликда яшади, лекин шунга қарамай, Самарқанд мадрасаларига қатнади, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳли билан яқинлашди, билим савияси, истеъдоди ва қобилияти билан тез орада обрў ва эътибор қозонди. Вафой тахаллуси билан яхши шеърлар битган Самарқанднинг маърифатпарвар ҳокими Аҳмад Ҳожибек, олим Фазлуллоҳ Абуллайс ва бошқалар Навоийга ҳомийлик қилиб, унга ҳар томонлама кўмаклаша бошлайдилар. Замонасининг машҳур олими Фазлуллоҳ Абуллайс Навоийга мударрислик қилади ва уни ўзига фарзанд деб ҳисоблайди.

Хондамир «Мақорим-ул-ахлоқ»да Фазлуллоҳ Абуллайсининг Навоийга муносабати ҳақида «... Хожа жаноблари Олий ҳазратнинг ўткир зеҳнли эканини ҳар вақт мақтар эди ва бошқа ўқувчилардан уни ортиқ кўрар эди» дейди.

Самарқанд Ўрта Осиёнинг энг йирик маданий марказларидан бири эди. Самарқандда бир қанча атоқли олимлар, санъаткорлар ва Мирзо Ҳожи Суғдий, Сайид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафойи, Шайхим Сухайлий каби шоирлар бор эди. Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро, Ҳирот ва бошқа жойлардан кўп кишилар

Самарқандга келиб, унинг машхур мадрасаларида таҳсил олар, олимлари, санъаткорлари ва шоирлари билан ҳамкорлик қилар эдилар. Самарқанд Навоийнинг ҳам ҳаёти ва ижодида жуда катта роль ўйнади. Навоий бу шаҳарда ўз билимини мукаммаллаштирди, бадиий ижод соҳасидаги тажрибаларини бойитди. У Фазлуллоҳ Абуллайс ва Алоий Шоший дарсларида адабиётнинг турли назарий масалаларига доир суҳбатларда ва мактабдошларининг шеърлари муҳокама қилинган мунозараларда актив қатнашди. У Самарқанд шоирларидан ёрдам олди, ўз навбатида уларга ёрдамлашди. Жумладан, у Самарқандда андижонлик шоир Мавлоно Юсуфшоҳ (Бадиий) шеърларини ислоҳ қилгани ҳақида «Мажолис-ун-нафоис»да бундай дейди: «... фақир таҳсил учун Самарқандга боргонда Андижондин келди ва онда фақир била бўлур эди. Сиғари син (ёшлиги) жиҳатидан шеърида хомлиғ бўлса, ислоҳ қилинур эрди... Фақирдин ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас дерлар эрди...». Хондамир «Макорим-ул-ахлоқ»да Навоийнинг Самарқанд шоирлари билан ижодий ҳамкорлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Навоий бошқа тилларни камситмагани ҳолда, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида бадиий асар яратишга ундади, уларга кўмаклашди. У Мирзобек, Мирзо Ҳожи Суғдий, Аҳмад Ҳожибек, Ҳаримий Қаландар Самарқандий каби шоирлар билан бирга Лутфий, Атоий, Саккокий ва бошқа ўзбек шоирларининг традицияларини муваффақият билан давом эттирди ва ривожлантирди.

Навоий Самарқандда Саккокий ва бошқа шоирларнинг бадиий мероси билан яқиндан танишди. Самарқанддаги маданий ёдгорликлар, айниқса Улуғбек обсерваторияси ва Улуғбек мадрасаси унда катта таассурот қолдирди. Навоий кейинчалик бу таассуротларни ўз асарларида, жумладан, «Хамса»сида ифодалади. У Самарқандда Мовароуннахрнинг географик ҳолатини ўргана бошлади. Сайхун (Сирдарё), Жайхун (Амударё) ва Кўҳак суви (Зарафшон) дарёларининг хўжалик ҳаётининг, ривожини учун катта аҳамиятга эга эканини тушунди, дарёлардан деҳқончилик ишлари учун кенг фойдаланиш зарурияти устида фикр юритиб, мамлакатни сув билан маъмур этишни орзу қилди. У Самарқанднинг меҳнатқаш табақалари, жумладан, косиб-хунармандлари ҳаёти билан қизиқди, уларнинг яхши фазилати, хулқ-атвори ва меҳнат маҳоратидан мамнун бўлиб, уларни самимий мақтади.

Навоий Самарқандда, ўрни келганда, сиёсий ишларга ҳам аралашиб турди, айрим золим амалдорларни қоралади, ўлимга ҳукм қилинган гуноҳсиз кишиларнинг ҳаётини бир неча бор сақлаб қолди (Хондамир «Макорим-ул-ахлоқ»да Навоийнинг бу инсонпарварлик фазилатларини ёрқин ифода этувчи бир неча воқеани ҳикоя қилади).

Навоий Самарқанддаги ҳаётини умрбод эсида сақлаб қолди, самарқандлик дўстларини унутмади. У тарихчи Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ, Муҳаммад Олим Самарқандий ва музыка устози Дарвиш Аҳмад Самарқандийларга ҳомийлик қилди. Абусаид ўғилларининг тож-тахт талашини кучайиб, Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек ва бошқалар шу курашларнинг қурбони бўладилар, Самарқандда реакция авж олади. Кўп олимлар, санъаткорлар ва шоирлар Самарқанддан Ҳиротга бориб, Навоийнинг ҳомийлигида ижодий ишларини давом эттирадилар. Жумладан, Улуғбек билан бирга ўқиган кекса олим Муҳаммад Олим Самарқандий Навоий даргоҳига бориб, Самарқанд ҳаётини тасвирлаб, «биз бахти қоралармиз» деб шеър битиб, Навойдан кўмак ва ҳимоя тилайди. Худди шунингдек, Фазлуллоҳ Абуллайснинг ўғиллари - Хожа Хованд Абуллайсий ва Хожа Абулқосим Абуллайсий ҳамда Абумўминий каби ёшлар ҳам Ҳиротга бориб, Навоийнинг ҳимояси остида таълим ва тарбия оладилар.

Шундай қилиб, Самарқанд Навоийнинг ҳаёти ва ижоди учун муҳим аҳамиятга эга бўлгани каби, Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти Самарқанд

маданий ҳаётининг равнаки ва умуман Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиётнинг таракқийси учун катта ҳисса қўшди.

Навоий Самарқандда 1469 йилга қадар турди. Тож-тахт орзусида юрган Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот тахтини эгаллаб олиши учун шу вақтларда қулай бир воқеа юз берди. 1468 йилнинг охирларида Абусаид Ғарбий Эронни эгаллаш учун жанг олиб боради. Жангда Абусаиднинг қўшини енгилиб, унинг ўзи ўлдирилади. Шу вақтда Ҳирот остоналарига яқинлашиб қолган Ҳусайн Бойқаро фурсатдан фойдаланиб, 1469 йилнинг бошларида Ҳиротга киради ва тахтни эгаллайди. Худди ўша йилнинг апрель ойида Навоий Ҳиротга қайтиб келади.

НАВОИЙ АСТРОБОДДА

Навоийнинг ободончилик соҳасидаги ишлари, бадиий ижодиёти, ёш олим ва санъаткорларга самимий ёрдами, халқнинг арз-додига қулоқ солиши унинг обрўйини ва шухратини оширмоқда эди. Бу ҳол Навоийнинг душманларини, хусусан, Мажидиддинни тобора каттиқ тинчсизлантирмоқда эди. Ҳусайн Бойқаро ободончилик ва маданий соҳадаги ишлардан хийла четлашиб, айш-ишратга берилган эди. Саройдаги айш-ишратлар, феодал амалдорларнинг исрофгарчиликлари давлатнинг моддий аҳволини оғирлаштирган эди. Бу аҳволдан ҳам реакцион гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Навоийнинг талаби билан саройдан узоқлаштирилган Мажидиддин саройнинг бирор катта мансабини эгаллаш учун пайт пойлаб юрар эди. У ўз мақсадини амалга ошириш учун саройнинг молиявий танглигидан фойдаланди. У турли йўллар билан халқни шилиб пул тўплаган эди ва бир неча туман ақчага мухтож бўлган Ҳусайн Бойқаронинг хазинасига бир йўла 2000 туман ақча келтириб топширди. Бундан мамнун бўлган Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинни вазир қилиб тайинламоқчи бўлди. Бироқ Навоийнинг бу тадбирни маъқулламаслигидан бирмунча ташвишга тушди.

Навоийнинг душманлари уни пойтахтдан узоқлаштиришни зўр бериб талаб қилмоқда эдилар. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлади. Бу билан у, биринчидан, Навоий душманларининг талабини қондирди; иккинчидан, Навоийнинг обрўйи ва тадбиркорлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг муҳим чегара вилоятларидан бўлган Каспий денгизи бўйидаги Астрободда ўз позициясини мустаҳкамламоқчи бўлди.

Навоий 1487 йилда Астрободга жўнади ва у ерда давлат идора ишларида бирмунча тартиб ўрнатди. Халқдан ошиқча солиқлар ундираётган амалдорларни ишдан бўшатди. Астрободнинг ободончилигига катта аҳамият берди, у ердаги олим-лар, санъаткорлар ва шоирлар билан яқин алоқа боғлади уларнинг ижодий ишларига ёрдам берди, раҳбарлик қилди.

Навоий Ҳусайн Бойқарони инсофли ва маърифатли ҳукмдорга айлантириш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. У Астрободдан Ҳусайн Бойқарога ва бошқа амалдорларга ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди. Масалан, у Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларидан бирида кўйидаги масалаларни кўйди:

«Куллуқ арзадошт улким, бир неча сўз хотирға келиб эрди, арз қилмоғи вожиб кўрунди. Аввал улким, - илтизом қилилсаким, эрта уйғониб намоз қилилса...

Яна улким, аласаббоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, доғи додхоҳ сўрарда узлук била машғуллуғ қилилса, агар бир мазлумга бировдин зулме ўтган бўлса, золимга андоғ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса...

Яна улким, аркони давлатга ҳар ишким, буюрулуғ, агар бутмоғи бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун — андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечроқ бутар ишни тонгла ё индин, ё миодидин ўткармасалар. Агар

баъзи ҳукм йўсуни била миодидин ўтказиб, арзга еткурмасалар аларга андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин гофил бўлмасалар.

Яна улким, умид улдурким, ҳақ таоло чоғирдин куллий тавариқ бергай...

Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, маломат дафъи учун кутубхонага кирилса, кутубхона аҳли билан машғуллуқ қилилса...

Яна улким, шаҳ эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилинса, андоқким, шаробхона, байтил-лутф, қиморхона — буларга ўхшаши номаируъ умурни қуллий манъ қилилса. Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар.

...Дағи ҳар масжиднинг имомига тайин қилсаларким, ул маҳалла аҳлининг ўғул ва ушогига мактаб тутуб ўқутсалар...»

Бироқ Навоийнинг истаклари амалга ошмади. Ҳусайн Бойқаро ҳам, унинг саройидаги реакцион амалдорлар ҳам Навоийнинг халқпарварлик ва маърифатпарварлик маслаҳатларига қулоқ солмадилар. Сарой доирасидаги маиший бузуклик, бош-бошдоқлик кучайиб бормоқда эди. Навоий Астро-бодга жўнатилган бўлса ҳам, унинг душманлари тинчимадилар. Улар Астрободга жосуслар юбордилар ва Навоийни хоинлик билан заҳарлаб ўлдиришга ҳаракат қилдилар. Лекин Навоий енгилмади, маънан мағлуб бўлмади, балки у ўз душманларини кўпчилик олдида шарманда қилди.

Навоий Астрободда ортиқ қолишни истамади, у туғилиб ўсган шаҳри Ҳиротни, ёр-дўстларини, қаламкаш биродарларини соғинди, Ҳиротдаги ва айниқса сарой доирасидаги кўп воқеалардан ташвишга тушди, сиқилди. Хондамир юқоридаги асарида Навоийнинг Астрободдаги кайфиятларини ифодаловчи қуйидаги ҳазиломиз бир ҳикояни баён этади:

«Бир вақтлар Астробод шаҳри Амирнинг (Навоийнинг) адолатлари соясида фаровон ва обод эди. Бир кун ҳавода турлича ўзгаришлар пайдо бўлди. Амир ўз ҳузурида бўлган баъзи бир вилоят катталарига қараб, бугун ҳавода қизиқ ўзгаришлар бўлди, деди. Астрободдилардан бири: Бу - бизнинг шаҳримизнинг яхши хусусиятларидандир. Бу ерда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавоси кўрилади,- деди.

Давлатли Олий Ҳазрат (Навоий): «Тўғри,- деди,- бу шаҳарда бир кун бир йилдек ўтар экан».

Пойтахтдаги бемаъни ишлар, жанжаллар эл-юртнинг осойишталиги ва ободончилик ишларига катта шикаст етказиб, Навоийни қаттиқ безовта қилади. У ғазалларидан бирида бундай дейди:

Кўнгил мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,

То Навоий азми мулки Астробод айлади.

Навоий Ҳиротга қайтишини илтимос қилиб, Ҳусайн Бойқарога хатлар юборди, бироқ Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг талабини оқибатсиз қолдиради. Навоий ўз ўрнига Амир Бадриддинни қолдириб, Ҳиротга қайтди ва Ҳусайн Бойқародан Ҳиротда қолдиришни илтимос қилди. Лекин иккинчи кунёқ Астрободга қайтиб кетиш ҳақида Ҳусайн Бойқародан буйруқ олди. Навоий яна бир неча ой Астрободда турди. Навоийга қарши душманлари томонидан уюштирилган суиқасд фош бўлиб қолгандан кейингина Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротда қолиш ҳақидаги талабини қабул қилишга мажбур бўлди.

ҲАЁТИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ

Ҳиротга қайтиб кетганидан кейин Навоий саройда бирор расмий мансабга эга бўлишни истамади. Лекин, шунга қарамай у давлат идора ишларида қатнашди, кучайиб кетаётган тож-тахт талашларини бартараф қилишга, ота-бола ва ака-укалар ўртасидаги жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилди. Навоий ва бошқа маърифатпарвар кишиларнинг зўр бериб уринишларига қарамай, шоҳ ва унинг ўғиллари ҳамда бек ва амалдорларнинг мансаб ва бойлик орттириш учун

кураши тобора кучайиб, харбий тўқнашувларга айланиб бормоқда ва теурийлар давлати ҳалокатга юз тутмоқда эди. Сарой ва унинг атрофидаги аристократлар халқни талон-торож қилиб, давлат хазинасини ҳам, эл-юртнинг бойликларини ҳам совурдилар, майхўрлик ва қиморбозликка берилдилар, дабдабали зиёфатлар бериб, исрофгарчиликка йўл қўйдилар. (Восифийнинг «Бадойи-ул-вақое» асарида буларни тасвирловчи кўпгина фактлар келтирилган.)

Подшо ва шахзодаларнинг тож-тахт талашиб ўзаро курашишлари, саройдаги ишратпарастлик ва адолатсизлик Навоийни қаттиқ эзар эди. Бунинг устига биринкетин Навоий учун бир қатор мусибатли воқеалар рўй берди. 1492 йилда Абдурахмон Жомий вафот этди. Бу йўқотиш Навоийни қаттиқ қайғуртирган эди.

Навоийнинг укаси Дарвеш Али Балх ҳокими номидан шаҳарни бошқарар эди. У Мажидиддиннинг Навоийга қарши уюштирган иғволаридан қаттиқ ғазабланиб, Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтарди. Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинни вазирликдан четлатишга мажбур бўлди. Мажидиддин Навоийга бўхтон қилишни давом эттириб, Дарвеш Али исёнига Навоийнинг бевосита алоқаси бор, деб иғво қилди ва Ҳусайн Бойқарони бунга ишонтирди. Ҳусайн Бойқаро Балхга қўшин тортганда Навоий у билан бирга боришга мажбур бўлди. Дарвеш Навоийнинг исёнга алоқаси бўлмагани аниқланди. Ҳусайн Бойқаро Дарвеш Али билан ярашди, лекин ўз ваъдасидан қайтиб, кўп ўтмай, Дарвеш Алини зиндонга солди.

Мажидиддин вазирликдан бўшатишга бўлса ҳам, лекин унинг ўрнига Низомулмулк деган жоҳил амалдор тайинланган эди. Шоҳ саройидаги низо-адоват янада жиддийлашди. Ҳусайн Бойқаро мастлик билан ўз хотини Ҳадичабегимнинг ва Низомулмулкнинг фитнасига учиб, Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин мирзони ўлдиришга буйруқ берди. Бу ҳодиса Ҳусайн Бойқаро билан ўғли Бадиуззамон орасидаги келишмовчиликни янада кескинлаштирди. 1499 йилда Ҳусайн Бойқаро сарой иғволари таъсири билан Навоийнинг қариндоши ва севикли шогирди шоир Мирзахайдар Сабухийни ўлдиртирди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Навоийни руҳан азоблар ва сихатига ёмон таъсир қилар эди. Бироқ, шунга қарамай, у кенг кўламда кизгин ижодий иш билан шуғулланди, ўз олдида қўйган ижодий планларини амалга ошира бошлади.

1488-1501 йиллар орасида Навоий бир қанча бадий ва илмий асарлар ёзди. Ҳиротга қайтганидан кейин кўп ўтмай, «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам шоҳлари тарихи») асарини ёзди. Бу асарида у тарихий манбалар билан бирга «Шоҳнома» каби бадий асарлардан ҳам кенг фойдаланди, қадимги халқ афсоналарини қайта ишлади. Бу асар маълум тарихий ва бадий қимматга эга. Навоий 1490 йилда шоир ва маърифатпарвар Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» биографик-бадий асарини яратди, 1491 йил муаммо жанри ҳақида «Рисолаи муаммо»ни ёзди. Ўша йили «Мажолис-ун-нафоис», тазкирасини ёзишга киришди ва кейинчалик уни тўлдириб, таҳрир қилди. Бу асарида у 450 дан ошиқ XV аср шоирларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериб, уларнинг асарларидан парчалар келтиради. Навоий 1492-1494 йиллар орасида устози ва Дўсти, улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий ҳақида «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») асарини яратди. Бу асар Жомийнинг фаолиятини, унинг Навоий билан дўстлиги ва ҳамкорлигини ҳамда умуман XV асрнинг иккинчи ярмидаги маданий ҳаётни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, у 1492 йилдан кейин Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларга ёзган мактубларини «Муншаот» номи билан бир китоб қилди. «Муншаот» Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг дунёқараши ҳамда XV асрнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда қимматли манба бўлиши билан бирга, XV аср ўзбек прозасининг ҳам ёдгорлигидир. 1492 йилдан кейин Навоий шеър тузилиши, аруз вазни ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган «Мезон-ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»)

асарини яратди. XV асрнинг маърифатпарвари ва шоири Паҳлавон Муҳаммад ҳақида «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» биографик-бадий асарини, 1496 йилда сўфилар ҳақида «Насоим-ул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодаси»)ни яратди. У 1491 - 1498 йиллар орасида аввалги икки шеърлар девони билан кейинги ёзган шеърларини қўшиб тўрт девондан иборат машҳур «Ҳазойин-ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)ни тузди. «Ҳазойин-ул-маоний» билан деярли бир вақтда, форс-тожик тилида яратган шеърларини тўплаб, «Девони Фоний»ни тузди. 1499 йилда «Лисон-ут-тайр» фалсафий достонини ёзиб, таркидунёчи шайх ва зоҳидларни фож этиб, ҳаётга, инсонга муҳаббат ғоясини илгари сурди. У шу асари билан деярли бир вақтда машҳур лингвистик асари «Муҳокамат-ул-луғатайн» («Икки тил ҳақида муҳокама») асарини яратди. «Муҳокамат-ул-луғатайн» Алишер Навоийнинг узоқ йиллар давомида ўзбек тилини илмий асосда текшириш ва бу тилда бадий асарлар яратиш процессида орттирган тажрибаларининг якуни бўлди. Навоий 1500 йилда сўнгги йирик асари «Маҳбуб-ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») ни ёзди. Булардан ташқари, Навоий ўз даврининг иқтисодий-ижтимоий тузуми ва ўз мулклари ҳамда қурдирган иморатлари ҳақида маълумот берувчи «Вақфия» (1482 йил), диний ва ахлоқий масалаларга доир «Назм-ул-жавоҳир»- «Гавҳарлар тизмаси» (1485 йил), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Анбиёлар ва ҳақимлар тарихи»), «Сирож-ул-муслимин»- «Мусулмонлик нури» (1488 йил), «Рисолаи тир андохтан» («Ўқ отиш рисоласи») ва бошқа бир қанча асарлар ҳам яратди. Навоий яратган асарларнинг деярли ҳаммаси бизга қадар сақланиб қолган.

Навоий қизгин ижодий ишлар билан банд бўлган бир вақтда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг таназзули кучайиб, шоҳ ва унинг фарзандлари ҳамда амир-амалдорлар ўртасидаги тож-тахт учун кураш кескинлашиб, ишратпарастлик авжига чиққан эди. Ҳусайн Бойқарога қарши гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда унинг ўғиллари исён кўтармоқда эдилар. Улуғ шоир ва мутафаккир буларнинг барчасидан қаттиқ алам чекади, афсус ва надомат қилади, тож-тахт талашларини ҳамон бартараф этишга интилади, бироқ бирор ижобий натижага эришолмайди ва бу курашларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини тушуниб етмайди. Шунга қарамай, у келажакка, яхши кунларга ишонч ва умид билан қарайди.

Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзога қарши 1500 йилнинг ёзида қўшин тортган эди. 28 декабрда Ҳусайн Бойқаронинг Муҳаммад Ҳусайнга қарши урушда ғалаба қозониб, у билан ярашгани ва Ҳиротга қайтиб келаётгани ҳақида хабар келади. Навоий бетоблигига қарамай, подшони кутиб олиш учун бошқалар билан бирга йўлга чиқади. Унинг бетоблиги кучаяди.

1501 йилнинг 3 январида Алишер Навоий вафот этди. Бутун Ҳирот қаттиқ мотам тутди. Мусибатли хабар тезда бутун Хуросонга, Мовароуннаҳрга ва бошқа жойларга бориб етди. Кўп шоирлар, тарихчилар Навоийнинг хотирасига бағишлаб асарлар ёздилар. Хондамир Навоий ўлимининг бутун мамлакат учун қандай оғир мусибат бўлганини тасвирлаб, шундай қитъа битган эди:

Аз мавти ў нашаст ба ҳар хона мотаме,
В-аз фавти ў бихест зи ҳар гўша шеване,
3-ин сахмгин мусибату 3-ин сахмнок марг,
Оташ фитод дар дили ҳар сангу оҳане.

Таржимаси:

Ўлимидан ҳар бир уйга тушди мотам.
Мамлакатнинг ҳар бурчидан чихди фиғон.
Темир юрак, тош юракли кишилар ҳам,
Бу даҳшатли мусибатдан юдилар қон.

XVI-XVII АСРЛАРДА ТАЗКИРАЧИЛИК ТАЗКАРАТ УШ-ШУАРО

«Тазкарат уш-шуаро» XV асрнинг кўзга кўринган адабиётшунос олими Давлатшоҳ Самарқандийнинг асаридир. Муаллифнинг тўлиқ исми шарифи Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий. Ўз асарида келтирилган баъзи маълумотларга қараганда, у йирик ҳарбий хизматчи ва давлат арбоби оиласидан чиққан. Отаси амир Бахтишоҳ Шохруҳ Мирзонинг яқин кишилари ва эътиборли хизматкорлари жумласидан бўлиб, унинг кўпгина ҳарбий юришларида қатнашган ва тожу тахт соҳибига садоқат билан хизмат қилиб, жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Унинг «ал-Ғозий» деб аталиши ҳам шундандир.

Давлатшоҳнинг туғилган вақти маълум эмас. Лекин, буни бошқа далил ва маълумотларга таяниб, тахминан аниқласа бўлади. Давлатшоҳнинг ўзи мазкур асарини 50 ёшга кирганда ёза бошлаганини айтади. Биз бу асарни 1487 йили ёзиб тамомланганлигини биламиз. Бу катта ва муҳим асарни ёзиш учун камида икки-уч йил вақт сарфланган, албатта. Шундай тахмин қилинганда, Давлатшоҳ 1435-1436 йилларда таваллуд топган бўлиб чиқади.

Давлатшоҳ Самарқандий ёшлигида дурустгина таҳсил кўрди, ўша даврнинг энг кўзга кўринган олимларидан, масалан, фақиҳ ва шоир хожа Фазлуллоҳ Абулайсийдан ҳам таълим олган. Лекин, 1480 йилларга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шуғулланмаган, балки сарой хизмати ва ҳарбий юришларга жалб қилинган. Шохруҳ Мирзо ва Султон Ҳусайн мирзонинг кўпгина ҳарбий юришларида иштирок этган. У сўнгги марта Султон Ҳусайн билан Темурий Султон Маҳмуд мирзо (Абу Саиднинг иккинчи ўғли, Ҳисори шодмон ва Бадахшон ҳокими) ўртасида Чамонсаройда (Афғонистоннинг Андхуй вилоятида жойлашган манзил) бўлган урушда иштирок этган. Бу уруш Хондамирнинг маълумотларига қараганда, 1471 йилда содир бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий 60 йилга яқин умр кўриб, 1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асарини ёзишда жуда кўп манбалардан, ўзидан аввал ёзилган тазкиралардан, масалан, Абу Тоҳир Хотунийнинг «Маноқиб уш-шуаро», Авфийнинг «Ўубоб ул-албоб» китобларидан, кўпгина тарихий ва географик асарлардан, хусусан, Истахрийнинг «Китоб масолик ул-мамолик», Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор», Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Оли Сабуктакин» ва бошқалардан, шунингдек, тазкирада номлари қайд этилган шоир ва адибларнинг асарларидан кенг фойдаланган.

«Тазкират уш-шуаро» асарида VII-XV асрларда Эрон ва Ўзбекистонда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида қисқача, лекин ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган. У муқаддима, хотима ва етти қисм (табақа) дан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, VII-X асрнинг биринчи ярмида ўтган арабийнавис шоирлардан 10 нафари ҳақида маълумот берилган.

Биринчи ва иккинчи қисм X-XI асрда Эрон ва, асосан, Ўзбекистонда яшаб, ижод этган 40 йирик шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ва ижодига бағишланган.

Учинчи-бешинчи табақаларда Хоразмшоҳлар - Ануштегинийлар (1077-1231), Элхонийлар (1256-1353) ва Музаффарийлар (1314-1393) замонида ўтган 54 шоир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Сўнгги икки табақада Амир Темур ва Темурийлар замонида ўтган 41 шоир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хотимада XV асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва тазкира муаллифи билан замондош бўлган йирик шоир ва адиблардан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, шайх Аҳмад Суҳайлий, хожа Афзалуддин Маҳмуд Кирмоний, хожа Шихобуддин Абдулла Марворид ҳамда хожа Асафий ҳақида ҳикоя қилинади.

Тазкирада тилга олинганлар орасида Абу Абдулла Рудакий (тахм.860-941), форс тилидаги «Қавснома» номли луғат муаллифи Қатрон ибн Мансур (тахм.1010-1073), хоразмлик машҳур шоир ва адабиётшунос, шеърят илмига оид «Ҳадоийқ ас-сеҳр» («Сеҳр боғлари») номли китоби билан донг чиқарган Рашидуддин Вотвот (тахм. 1087-1182), асли шаҳрисабзлик бўлиб, Ҳиндистонда кун кечирган ва бой ижоди билан донг таратган буюк

шоир, олим ва мусикашунос Хусрав Дехлавий (1253-1325), йирик тарихчи Шарафуддин Али Яздий, шоир ва қиссахон Ориф Озарий ва бошқалар бор.

Қисқаси, «Тазкират уш-шуаро» асари Ўзбекистон ва Эроннинг X-XV асрлардаги маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлади. Унда тарихий маълумотлар ҳам кўп. XIV асрнинг 30-80- йилларида Хуросонни ларзага келтирган сарбадорлар ҳаракати ҳақида келтирилган маълумотлар айниқса муҳимдир.

Китобнинг тўла матни 1887 йили Бомбайда, 1901 йили Лондонда ва 1958 йили Техронда чоп қилинган. У турли тилларга, шу жумладан ўзбек тилига Б.Аҳмедов томонидан қисқартирилиб таржима қилинган «Шоирлар бўстони» номи билан чоп этилган. Китоб туркий тил (Хоразм шеvasи)га 1900 йили Муҳаммад Рафеъ томонидан таржима қилинган бўлиб, унинг кўлөзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Асарнинг инглизча тўла таржимаси 1900 йили Э.Браун томонидан Лейденда зълон қилинган.

МУЗАККИРИ АҲБОБ

«Музаққир аҳбоб» («Аҳбоблар (яъни дўстлар) зикрида» номли тазкира муаллифи хожа Баҳоуддин Ҳасан Нисорий (вафоти 1596-1597), XVI асрда ўтган йирик шоир ва олимдир. У асли бухоролик, машҳур шоир Подшоҳхожа (1450-вафот этган йили номаълум) оиласига мансуб. Хожа Баҳоуддин Ҳасан шоирлик билан бир қаторда, тиббиёт, тафсир, хандаса, фалакиёт, мусика ва хаттотликни эгалланган. Сўғд ҳокими бўлиб турган Шайбоний Рустам Султоннинг садри бўлиб хизмат қилган, 1526 йилдан кейин Балхда Камолуддин кўноқ мадрасасида хандасадан дарс берган.

Хожа Баҳоуддин Ҳасан ўзининг «Музаққир аҳбоб» номли асари (1566-1567 йилда ёзилган) билан шуҳрат топган. Асар Жуйборий хожалардан хожа Муҳаммад Ислом (1493-1563)га бағишланган ва XVI аср-нинг биринчи ярмида Бухорода ўтган 261 туркийзабон шоирлар ҳақида қисқача маълумот келтирган.

«Музаққир аҳбоб» қисқа сўзбоши, муқаддима, тўрт боб ва хотимадан иборат.

Сўз бошида мазкур асар муаллифи олдида қўйилган вазифа, унинг мазмуни ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда айтилишича, олим ўз асарини Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг давоми сифатида ёзган.

Муқаддима қисмида шеърятда қалам тебратган Шайбоний султонлар; Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллатиф Султон, Рустам Султон Абдулазизхон, Султон Саъид Султон, Жувонмард Алихон, Дўстмуҳаммад Султон, Абулғози Султон ва Бобурийлардан Ҳумоюн, Акбар, Комрон Мирзо, Мирзо Аскарый, Ҳиндол, Хон Мирзалар ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар келтирилган. Асарда Шайбонийхоннинг 1487-1488 йиллари Бухорода кечган ҳаёти ҳақида келтирилган маълумотлар бениҳоят қимматлидир.

Айтилишича, Шайбонийхон Бухорога Темурийзода Султон Аҳмад Мирзо (1469-1494) ва Бухоро ҳокими амир Абдуали тархоннинг таклифи билан келган. Шайбонийхон бир йил ичида Бухоронинг Омонкент қишлоғида истиқомат қилган ва хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг набираси хожа Мир Муҳаммад Нақшбанд ўша вақтда бобосинияг Қасри орифондаги мозорида мутаваллий бўлиб хизмат қилар эди. Шайбонийхон ундан нақшбандийлик таълимотини ўрганди. Пири Шайбонийхонга яқин орада улуғ мартабага эришишини каромат қилган. Тазкиранавис, “кўп вақт ўтмай, 12 йилдан кейин, Шайбонийхон Туркистондан то Домғонгача чўзилган катта мамлакатга эга бўлди», деган. Ундан ташқари, муқаддимада шайбонийзодалардан Рустам Султон, Абдулазизхон ва Жувонмард Алихонларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади.

Асарнинг биринчи бобида муаллиф ўзи шахсан таниш бўлмаган, тазкира тузилмасдан анча илгари оламдан ўтган, бухоролик 84 шоирнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар келтирилади.

Иккинчи бобда муаллиф билган, лекин тазкира ёзилмасдан сал илгари ҳаётдан кўз юмган 64 бухоролик шоир ҳақида маълумот келтирилади.

Учинчи боб тазкира ёзилаётганда ҳаёт бўлган 59 бухоролик шоир ижодига бағишланади.

Ва ниҳоят, тўртинчи бобда муаллиф билан замондош, лекин у билан таниш бўлмаган 44 нафар мовароуннаҳрлик шоир ижодидан намуналар келтирилган.

Хотимада муаллиф ўзининг ота-боболари ҳақида, хусусан улуғ бобоси Абдулвахҳобхожа, отаси Подшоҳхожа ва бирмунча вақт Шайбоний Рустамхоннинг хизматида шайхулисом лавозимида бўлган иниси Абдуссамадхожа ҳақида, шунингдек, рубоийнавис шоир Шоҳхожа ҳақида ярур маълумотлар келтирган.

Тазкирада, шоирликни ўзига касб-ҳунар қилиб олган шоирлар билан бир қаторда, бошқа касб-ҳунар эгалари, масалан, савдо-сотик, табиблик, хаттотлик, рассомлик, меъморлик ва бошқа ҳунарманд шоирлар ижодидан ҳам намуналар келтирилган. Уларнинг орасида олимлар ҳам бўлган. Масалан, машҳур шоир Муҳаммад Солиҳнинг ўғли Мирзо Улуғбек ҳақида бундай маълумот келтирилган; у XVI асрнинг бошларида Нисо вилоятининг ҳокими бўлган. Ҳасан Нисорийнинг отаси Дарун ҳокими Подшоҳхожа билан дўст бўлган. Улар тез-тез бир-бирларини зиёрат қилиб турганлар ва шоирларнинг мажлисларини уюштириб турганлар.

Ушбу асарда Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон замонида Бухоро ва Самарқандда бунёд этилган масжид, мадраса ва хонақоҳлардан ташқари, кўприк, сув иншооти ва кутубхоналари ҳақида ҳам маълумотларни учратамиз. Бухоройи шарифда қурилган Мир Араб мадрасаси, Пири Марза қишлоғида қурилган чорбоғ, Меҳтар Қосим тарафидан Кўҳак дарёси устига қурилган кўприк, Абдулазизхон тарафидан Бухоро шаҳрида бунёд этилган кутубхона шулар жумласидандир.

Умуман, хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаққири аҳбоб» асари Ўзбекистоннинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги адабий муҳити ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Россия, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар кутубхоналарида мавжуд. Унинг ўзбекча таржимаси 1993 йили Тошкентда Исмоил Бекжонов томонидан чоп этилган.

ХОТИРОТИ МУТРИБИЙ

«Хотироти Мутрибий» («Мутрибий эсдаликлари»), «Газкират уш-шуаройи Мутрибий» («Мутрибийнинг шоирлар тўғрисидаги тазкираси») ва «Нусхайи зебойи Жаҳонгирий» («Жаҳонгирнинг зебо тазкираси») номли асарлар муаллифи XVI асрнинг иккинчи ярми-XVII асрнинг 30-йилларида ўтган шоир ва тазкиранавис олим Мутрибийдир.

«Хотироти Мутрибий» деган асаридан маълум бўлишича, у 1559 йили Самарқандда таваллуд топган, ота томонидан бобоси Малик Арғун ва она томонидан бобоси Басрий замонининг машҳур шоирлари жумласидан бўлишган. Мутрибий дастлабки маълумотни она шаҳри Самарқандда олган, сўнг Бухорога бориб, хожа Ҳасан Нисорийга шогирд тушган. 1620 йилдан бошлаб у, асосан Самарқандда истиқомат қилган ва Самарқанд ҳокими Ҳожибий қушчининг хизматида бўлган. 1625 йилнинг кузида ўғли Муҳаммад Алини ўзи билан бирга олиб, Ҳиндистонга жўнаб кетади. Бу вақтда Мутрибий 69 ёшда бўлган ва 1627 йили Самарқандга қайтиб келган. Унинг кейинги тақдири маълум эмас.

Мутрибий уч асар муаллифидир. Улардан бири «Газкират уш-шуаройи Мутрибий» бўлиб, унда мовароуннаҳрлик 320 шоир ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар келтирилади.

Иккинчи асари «Нусхайи зебойи Жаҳонгирий» бўлиб, уни Мутрибий ҳали Ҳиндистонга кетмай туриб Самарқандда бошлаган ва 1626 йили Лоҳур шаҳрида

тамомлаган. Асарда Мовароуннахр, Хуросон, Балх, Бадахшон ва Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида истиқомат қилган 292 шоир ҳақида маълумот келтирилади ва ўша йилиёқ Жаҳонгир подшоҳга (1605-1627) тақдим этилади. «Хотироти Мутрибий»да айтилишича, тазкира подшоҳ ва унинг яқинларига маъқул бўлган. Жаҳонгир суҳбат охирида Мутрибийга Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида, яъни марҳум отаси Жалолиддин Акбар даврида ўтган шоирлар ҳақида тўплаган материалларини берган ва ундан мазкур тазкирага ўз номини қўшишини илтимос қилган. Ушбу материаллар иккинчи тарзкирадан 16 варақ жой олган. «Нусхайи зебойи Жаҳонгирий»нинг яхши қўлёзма нусхаси 1665 йилда Шоҳижаҳонободда кўчирилган ва шу кунларда «Индия оффис» кутубхонасида сақланмоқда.

Мутрибийнинг учинчи асари «Хотироти Мутрибий» деб аталади ва муаллиф уни 1627 йил 25 феврал куни ёзишга киришган. Асар муаллифнинг Лоҳурда турган пайтида подшоҳ Жаҳонгирнинг 24 мажлисида кўтарилган масалалар ҳақида ҳикоя қилади. Унда Мовароуннахрнинг XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва маданий ҳаёти, Самарқанднинг осори-атиқалари ва унинг ўша давридаги аҳволи ҳақида ўта қимматли далил ва маълумотлар келтирилади. Шулардан баъзиларини келтириб ўтамыз.

Жаҳонгир подшоҳни Бухоро ва Балх хонларининг ҳамда уларга яқин амирлар ва Жуйбор хожаларининг шахсий ҳаёти, турмуши ва феъл-атвори кўпроқ қизиқтирган. Шунингдек, у бошқа Бобурий подшоҳлар каби, Бухоро ва Балх хонларининг қиёфасини чиздириш билан шуғулланган. Масалан, 18-чи хотиротда қуйидагиларни ўқиймиз: «Кунлардан бир куни подшоҳнинг остонасига бош қўйгани борган эдим. Подшоҳ қандайдир суратларни диққат билан тамоша қилиб ўтирган экан. Менга «ўлтир!», деб ишорат қилдилар. Сўнг суратларни мен тарафга ўгириб сўрадилар; “Диққат билан қараб кўрчи, булар кимларнинг суратлари экан?” Қараб кўрсам уларнинг бири Абдуллахон ўзбек (Абдуллахон соний, 1583-1598), иккинчиси (унинг ўғли) Абдумўминхоннинг сурати экан. Подшоҳ мендан сўради: «Суратлар асилми, ёки сенинг бошқа фикринг борми? Агар бўлса, айт». Мен жавоб қилдим: «Абдуллахон сал тўлароқ тасвирланган. Бўйнидаги чандиқ эса ўнг томонда бўлиб қолган. Аслида у кўп ҳам тўла мас, бўйнидаги чандиқ эса сўл тарафда». Подшоҳ рассомни чақиртирди ва суратни мен айтгандек қилиб чизишни буюрди. Шундан кейин подшоҳ мендан «Абдулмўминхоннинг сурати хусусида нима дейсан?», деб сўради. Жавоб қилдим: «Абдулмўминхонни бугдой рангли қилиб чизибдилар. Аслида у оқ-сарикдан келган (йигит), саллани сал олдинга қилиб ўрайди, бу анча чиройли чиқади», дедим. Подшоҳ рассомни чақиртирди ва бу суратларни ҳам мен айтгандай қилиб чизишни буюрди».

Хотиротлардан яна бирида Мутрибий 1626 йили Бухородан Ҳиндистонга келган Бухоро хонининг элчиси хожа Абдурахим билан бўлган суҳбатни келтиради. Жаҳонгир подшоҳ Жуйбор хожаларига зўр ҳурмат-эҳтироми бўлишига қарамай, Мутрибийга: «Нима учундир, Имомқулихон Надр девонбегидай бообрў мулозимлари бўла туриб, ҳузуримизга навкарларни юборибди», - деган.

Олимнинг Кобулдан Лоҳурга меҳмон бўлиб келган Муҳаммад Ҳаким мирзо шарафига уюштирилган зиёфат ҳақида ёзган хотираси ҳам диққатга сазовордир. Мажлисда гап «муסיқа» атамасининг келиб чиқиши, маъноси, шашмақом («Ироқ», «Ҳусайний», «Сегоҳ» ва бошқалар)нинг тарихи ҳақида муסיқашунослар ўртасида бўлган баҳс ҳақида боради. Унда Мутрибий ҳам фаол қатнашган.

Хотиротларда Самарқанддаги тарихий обидалар, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Улуғбек расадхонасининг XVII аср бошларидаги аҳволи, Сиёб (Сиоб) ариғи устига қурилган қоғоз корхоналари (жувози қоғоз)нинг аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Хулласи, Мутрибийнинг тазкиралари ва эсдаликлари Ўзбекистон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмидаги фан ва маданияти, Бухоро хонлигининг бошқа мамлакатлар билан алоқалари тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиши мумкин.

МУЗАККИРИ АЛ-АСҲОБ

«Музакири ал-асҳоб» («Дўстларни эслатувчи китоб») тазкирасининг муаллифи XVII асрда ўтган йирик шоир ва олим Малехо Самарқандийдир. Бу асарда XVII асрда яшаб ижод этган 200 дан ортиқ мовароуннахрлик шоирларнинг қисқача таржимаи ҳоли ва асарларидан парчалар келтирилган. Китоб 1682-1692 йиллар орасида ёзилган.

Малехо Самарқандийнинг ҳақиқий исми Муҳаммад Бадиъ ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий бўлиб, у 1641 йили Самарқандда ўқимишли фақиҳ ва ўзига тўқ оилада таваллуд топган. Отаси Муҳаммад Шариф Самарқанд қозиси, сўнг муфтий маҳкамасида хизмат қилган. 1670 йили вафот этганида, унинг бойлиги Абдулазизихоннинг (1645-1680) амри билан ўғли Муҳаммад Бадиъга қолдирилган. Бўлғуси олимнинг ҳаёти қийинчилик ва муҳтожликсиз, яхши кечган. Шунинг учун ҳам у яхши ўқиғай ва кўп ерларга саёҳат қилиш имконига эга бўлган.

Муҳаммад Бадиъ бошланғич маълумотни Самарқандда олган. Кўп илмларни, фикҳ, фалсафа, илоҳиёт ва мантиқни отасидан, шеър илмини қози Лутфуллоҳдан мадрасада олган. У мадрасада тафсир, астроном, тарих ва адабиётни ҳам ўрганган. «Хусусан, - деб ёзади у ўз тазкирасида, - «Чағминий шарҳи» ва Али Қушчининг форсча рисоласини ўша мавлоно Лутфуллоҳдан ўрганганман». Малехо 11 ёшида шеър ёза бошлаган ва баъзи қийин атамаларни изоҳлай олган.

Олим 1670 йили, отаси вафотидан кейин, Эрон бўйлаб саёҳат қилгай ва уч йил мобайнида мамлакатнинг ўша вақтдаги пойтахти Исфажон ва катта шаҳарлари Нишопур, Кошон, Машҳад ва бошқа шаҳарларида бўлган, ўша йиллари бўлажак асар учун маълумотлар тўпланган. 1673 йили у она шаҳри Самарқандга қайтиб келди ва етти йил мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида фикҳ, тафсир ва ҳадис илмларидан олган маълумотини Қози хожа Миракшоҳ раҳбарлигида чуқурлаштирган. 1689 йили Самарқанд ҳокими Иброҳимбий уни Шайбонийхон мадрасисига мударрис этиб тайинлайди. Олим ўз асарини шу ерда тамомлади. Унинг қачон вафот этгани маълум эмас.

«Музакири ал-асҳоб», унда тилга олинган шоирларнинг асарларидан бошқа жуда кўп, турли мавзудаги асарларда келтирилган маълумотларни ўрганиш асосида ёзилган. Манбалар ичида Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», имом Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандийнинг «Қандия», Яҳё Сибак Нишопурийнинг «Шабистони ҳаёл», Али ибн Хусайн Воиз ал-Кошифийнинг «Рашаҳот ул-айн ул-ҳаёт», мулла Содик Самарқандийнинг «Риёз уш-шуаро», Мир Саид Шариф Роқимнинг «Тарихи касира», хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарлари ҳам бор. Шунинг учун асарда шеърят илмидан ташқари, тарихий ва географик маълумотлар ҳам кўп.

Тарихий маълумотлардан Хива хони Анушахоннинг 1681 ва 1686 йиллари Бухоро хонлиги ҳудудларига бостириб кириши, 1681 йили Бухоро атрофидаги туманлар ва Бухоро шаҳристонининг босиб олиниши, 1686 йили Самарқанд, Қарши ва Шаҳрисабзнинг босиб олиниши ва бунинг оқибатида халқ ва ҳукуматнинг оғир аҳволга тушиб қолиши ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Асарда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотлар ҳам учрайди. Ҳунармандчилик, мисгарлик, кимухтгарлик, бўёқчилик-сабботий, гилкорлик, кавушдўзлик, зардўзлик, қассоблик, карбозфурушлик, атторлик, заркашлик, базозлик, темирчилик, хиргоҳтарошлик, наққошлик, саррофлик, жомабофлик, муҳргарлик ва бошқалар, хожа Убайдулла Аҳрор авлодининг мол-мулки ҳақида маълумотлар учратамиз. Аштархонийлар давлати тузилиши, хусусан оталик, муставфий, парвоначи, мироҳур, додхоҳ, тўқсабо, сипоҳсалор, судур, фақиҳ, аълам, муфтий, қози аскар, раис, китобдор, мударрис, мутавалий, юз боши, мири ҳазар, воқеанавис ва бошқа мансаблар ҳақида ўта қимматли маълумотлар мавжуд.

Тазкирада келтирилган Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг топографияси ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, Самарқанд гузарларидан Дегрезон, Ҳовузи сангин, Бўстон Боло, Мир Саид ошиқ, Кимухтгарон, Бўстини хон, Гавкашон, Собунхона, Атторон, Сангарошон, Хон Савд имом, Лаби ҳовуз, Дарвозайи об

гузарлари тилга олинади. Бухоро ва Самарқанддан ташқари, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахоннинг Қарши ва Шаҳрисабзни обод қилиш йўлида олиб борган ишлари ҳам тилга олинади. «Насаф, - деб ёзади Малехо, - обод вилоят. Унинг ободончилиги шу даражадаки, таъриф ва тавсифга муҳтож эмасдир. Масжид ва сардобадан ташқари, бу шаҳарда Абдуллахон тарафидан кўп иморатлар бунёд этилган. (Амир) Боқибий, Абдуллахоннинг кўрсатмаси билан ушбу шаҳарда мадраса, карвонсарой, ҳаммом, (маммар) тошдан тимлар қурдирган. Шаҳрисабз ҳақида ўқиймиз: «Кеш вилояти, худди Самарқанд сингари, аввало салтанат пойтахти бўлган. Шаҳид Султон Улуғбек кўрагон тарафидан бино қилинган жомий масжид, жаноб шайх (Шамсуддин) Кулол мақбараси, мирзо Жаҳонгирнинг мадраса ва мақбараса шулар гумласидандир...».

Хуллас, Малехонинг «Музакири асҳоб» асари Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида кўп. Фақат ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида саккиз мўътабар қўлёзма нусхалари мавжуд. Асар матни нашр қилинмаган.

АЛИШЕР НАВОИЙ – МУАРРИХ

Алишер Навоий Шарқ шеърляти илми ва тарихигина эмас, балки шарқ мамлакатлари ҳамда ислом тарихини ҳам яхши билимдони эди. Унинг эпик ва насрий асарларида тарихий шахслар ва воқеаларни ўрни билан келтиришим, лирик шеърларида мозийнинг машҳур кишилари, ўтмиш воқеалари воситасида ташбих ва талмих санъатларининг гўзал намуналарини яратганлиги бунинг яққол исботидир. Аънавий тарзда бўлса-да машҳур тарихий шахс Александр Македонский - Искандар ҳақида “Садди Искандарий” достонини яратиши бунинг яна бир исботидир. Шундай бўлсада Навоий тарихга доир маҳсус асарлар ҳам яратган. Улардан бири «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари 890/1485 ва 904/1498-1499 йиллар орасида тасниф этилган бўлиб, унда Одам Атодан бошлаб, олтмиш олтита пайғамбарлар ва ўн битта донишмандлар тўғрисида ихчам, лекин жуда жонли ва қизиқарли маълумотлар баён этилган.

Маълумки, Алишер Навоийга қадар ҳам анбиёлар ҳақида турли ривоятлар, қиссалар мавжуд бўлган. Айниқса, «Қуръони карим»да ва қадимий манбаларда, умумий тарихга оид Абу Жаъфар Табарийнинг (836-923) «Тарихи ар-русул ва мулук», Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия» ҳамда Абу Сулаймон ибн Довуд бинни Абу-л-Фазл Муҳаммад бинни Довуд ал-Банокатийнинг (ваф. 730/1330) «Равзату Оли ал-боб фи таворих ал-ақобир ва-л-ансоб» (1317) ёки «Тарихи Банокатий» (XIV аср) номли, Ҳамдуллоҳ бинни Абу Бакр бинни Аҳмад бинни Наср ал-Муставфи Қазвинийнинг (ваф. 750/1350) «Тарихи гузида» (744/1343), Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Хамса» ва бошқа шу каби асарларда тарихий воқеалар, шунингдек, диний тарихга оид маълумотлар кўп.

Ўз даврининг йирик олими ва тарихчиси сифатида Алишер Навоий ҳам бундай манбаларни ўрганиб чиққан, улар билан яқиндан танишган. Бу асарлар аксарияти араб ва форс тилида бўлгани учун, Алишер Навоий туркий-ўзбек тилида, кўплаб қиссаларни қиёсий ўрганиш асосида ўз асарини яратди. У асар мазмун жиҳатидан умумий тарихга оиддир.

Бу асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Одам Атодан тортиб, Нух, Исо, Мусо, Якуб, Сулаймон, Довуд, Юсуф ва бошқа пайғамбарлар ҳаётига оид турли нақлларни баён этади, ҳар бир тарих охирида рубоий келтирилиб, уларнинг ҳаётига лирик хотима ясади (Мисоллар келтирилади).

Китобнинг иккинчи қисмида машҳур донишмандлар ҳаёти лавҳалари, уларнинг ҳикматлари келтирилади. Масалан, Ғарбда Пифагорга нисбатан берган бир иборани Алишер Навоий Букротус ҳақим номидани келтирган: «Яхши сўз кўнгулни ёритур ва яхши хат кўзнинг неъматини арусидурким, анинг маҳри шукрдир».

Бугун умри ва фаолияти давомида олимларни қадрлаган Алишер Навоий уларнинг тарихини анбиё, пайғамбарлар тарихидан кейин, уларни биргаликда битгани алоҳида таҳсинга сазовор ҳолдир. Бу китоб тарихчи, олим ва шоирларга қадимги давр изоҳи учун муҳим манба вазифасини ўташи мумкин. Бу асарни манбашунослик фанида алоҳида ўрганиш шунинг учун ҳам зарурки, тарихга оид асарларда тафсилотлари келтирилмай, жуда кўп ўринларда пайғамбарлар ва уларнинг ҳаётига оид воқеаларга муржаат қилиш учрайди. Мана шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг асари ҳам тарихчи олимлар, ҳам тарихни ўрганувчи талабалар учун катта аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга, у асарда Алишер Навоийнинг машҳур тарихчи Шарафуддин Али Яздийга муносабати баён этилган. Навоий унинг «Зафарнома» асари муқаддимасини зикр қилар экан, тарихчини «мавлоно шараф ул-миллат ва давла», яъни «давлат ва миллат шарафи» деб таърифлайди.

Алишер Навоийнинг иккинчи тарихий асари «Тарихи мулуки Ажам»дир. 890/1485 йилдан сўнг яратилган бу асарда Эронда ҳукмронлик қилган тўрт сулола: Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар тўғрисида маълумот келтирилган. Асар охирида Султон Ҳусайн Мирзо мадҳи ўрин олган. Агар биз аввалроқ яратилган «Садди Искандарий» дотонида ҳам тўрт сулола ҳақидаги маълумот борлигини назарда тутсак, дoston яратиш жараёнида Алишер Навоий тўплаган маълумотларни махсус тарихга оид асар сифатида ижод қилган кўринади. Бунда Алишер Навоий юқорида номлари зикр этилган асарлар қаторида яна Абу-л-Ҳайр Насириддин Абдуллоҳ бинни Умар ул-Қози Байзавийнинг (ваф.685/1266) «Низом ут-таворих» (ёзилган 674/1275), Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (1058-1111) «Насихат ул-мулук» ва бошқа асарларни, хусусан ўз замондоши Мир Муҳаммад Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асаридан бохабар ҳолда, Эрон тарихига оид араб ва форс тилларида тарихий асарлардан фарқли, бу китобни туркий тилда яратди. Ушбу асардаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар Алишер Навоий ўзининг дostonларида ҳам мавжудлигини эслатиб ўтган. Бу асар илмий танқидий матнини шарқшунос Л.Халилов тузиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Афсус, ҳамон унинг танқидий матни чоп этилмаган.

«Тарихи мулуки Ажам» асарини маълум даражада, «Хамса», хусусан «Садди Искандарий» дostonига тарихий-илмий илова сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Унинг ичидаги маълумотларнинг шеърӣ ифодаси «Садди Искандарий»да келтирилган бўлиб, уларни бошқа тарихий асарлар билан қиёсий ўрганиш Алишер Навоийнинг тарихчи олим сифатидаги ижод қирраларини очишга ёрдам бериши мумкин.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «ВАҚФИЯ» АСАРИ

«Вақфия» 1481 (ҳижрий 886) йилда ёзилган. Навоийнинг бу асарни яратишдан мақсади - ўзининг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида қандай принципларга асосланиб иш тутгани, қанақа хайрли ишларни амалга оширгани ва вақф қилдирган ер, боғ-роғлари, мулкларини кўрсатиб бериш эди.

Навоийнинг бу асари махсус ўрганилмаган. Бу мақолада биз асарнинг структураси ва мундарижаси юзасидан фикр юритамиз. «Вақфия» икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро саройига таклиф этилгунгача бўлган кайфияти, сарой хизмати пайтидаги нуфузи ва мартабаси,

Хусайн Бойқаронинг унга муносабати, унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти хақида сўз кетади.

Маълумки, Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганда Навоий Самарқандда бўлиб, Ҳиротга, Хусайн Бойқаро саройига расмий равишда таклиф этилган эди. Бу ҳақда «Вақфия»да Навоий ёзади: «Ногаҳ салтанат гулшанидин иноят насими эса киришти ва хилофат боргоҳидин ҳидоят қосиди етишти ва давлат маншурин илгимга берди».

Бу фармоннинг мазмунини Навоий шундай баён қилади:

**К-эй фазл жаҳониникг сипехри,
Йўқ, йўқки, ўшул сипехр меҳри.**

**Таъби нгга дами бўлур не ворид,
Юз йил бита олмайин Аторид...**

**Лафзингдин улусқа важду ҳолат,
Етмай санга баҳра, жуз малолат.**

**Сен қон ютуб, эл бўлуб қадахқаш,
Элдин санга етмайин дами хуш...**

**Эмдики тараб замони етти,
Даврондин алам нишони кетти...**

**Оламини бизинг қуёш ёрутти,
Ҳақ— марказида қарор тутти...**

**Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ,
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ...**

**Тавқий етишгач айла лозим
Ким, жон била бўлғасен мулозим...**

**Йўқтур санга вақт гўша тутмоқ,
Ишрат гулин оҳ ила қурутмоқ.**

**Чун ҳукми англадинг дам урма,
Балким дам урарға дағи турма.**

Навоийнинг бу вақтлардаги кайфияти ғоят тушкун эди. У темурийларнинг ўзаро низоларини, улар ўртасидаги ҳалокатли урушларни ва бу урушлар туфайли халқ ва юрт бошига тушган оғир мусибатларни, таҳсил машаққатлари ва моддий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда эди. Навоийга кўрган ва кечирганлари қаршисида ўз орзу-умидлари ва интилишлари, ҳатто, ижодий режалари ҳам маъносиздек, рўёбга чиқиши мумкин эмасдек туюлади. Унда узлатга чекилиш истаги пайдо бўлади. Бу ҳақда у «Вақфия»да мана шундай аламли ўкинч билан дейди: «Хаёлим буким, чун оламининг хиёлати ва олам аҳлининг диёлати равшан ва жаҳоннинг ишванамо ажусасининг вафосизлиги ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиги муайяндур.

**Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламини,
Тажарруд кўйида кўйсам қадамни.**

**Фано кунжини мужгондин супурсам,
Ҳамул мужгон сиришкидин сув урсам...**

**Не кўкка, не қуёшқа инса бошим,
Бузук уй бўлса кўк, равзан қуёшим.**

**Агар нафс этса майли лолау боғ,
Юзин нун нуқтасидин айласам доғ...**

**Тараб синжобидин тан истаса ком,
Анга меҳнат кулида берсам ором.**

**Аёққа айласам занжир монанд,
Мусалло даврининг. занжирасин банд.**

**Ҳавога жисм туфроғин совурсам,
Кўнгул мулкида давлат тахтин урсам.**

**Халойикдек тилаб зохир ҳузурин,
Жаҳоннинг чекмасам жоми ғурурин,**

**Тутуб ҳар шуғлдин дунёда гўша,
Муҳайё айласам укбоға тўша.**

Шундай бир вазиятда эканида Навоий юқорида келтирилган мазмундаги фармонни олади, кўп тараддуддан сўнг шундай фикрга келади:

**Ҳар неча бу сўз демак керакмас,
Чун ростдурур керак керакмас.**

**Туштум мени нотавон ароға,
Юз ранжу балоу ибтилоға.**

**Чун хост бу навъ эди қазо ҳам,
Мен хастаи зори бенэво ҳам.**

**Кулларға ўзумни ҳамдам эттим,
Куллуққа белимни маҳкам эттим.**

Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида давлат ишларига киришар экан, бундан кўзда тутган юксак мақсадлари ҳақида ёзади: «...ул ҳазратнинг қуллуғида неча навъ хизматким, дунё суди андин пайдо ва охират беҳбуди андин ҳувайдо бўлғай, ўзумга лозим тутгум ва неча навъ ишким, халойиқ дуосига боис ва холиқ ризосига сабаб бўла олғай, кошимда муқаррар қилдим ва тенгри иноятдан ул ишлар борча муқаррар бўлди».

«Вақфия»да шоир кўзда тутган мақсадларни ва улар юзасидан Навоий фаолияти қирраларини қуйидагича сиралаб чиқиш мумкин:

1. Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати ва унинг обрўсини мустаҳкамлашга киришиш ва уни изчил амалга ошириш. Навоий бу хусусдаги фикрларини қуйидаги рубой билан хулосалайди:

**Хар кимки, биров ишқига бўлса дилбанд,
Жон риштасидин қилса керактур пайванд.**

**Гар ғайр хаёли бўлса кўнглига писанд,
Қилмоқ керак ул кўнгулни юз минг парканд.**

2. Беғараз, шахсий манфаат кўзламай, холис хизмат қилиш. Ҳеч шубҳасизки, бундай фаолият кўрсатмоқчи бўлган шахс билан сарой аъёнлари орасида ихтилоф, зиддият юзага келиши муқаррар бир ҳол. Шундай бўлган ҳам эди. Навоийнинг қуйидаги сўзларида ана шу ғоят мураккаб ва ниҳоятда мушкул вазият ўз аксини топгандир: «...ул ҳазратнинг давлатидин бовужуди улким, жамии танаъумоти жисмоний ва муродоти нафсонийғаки, дастрасим, балки ҳавасим бор эрди, аммо анинг кишвари гулистонининг ҳарими атрофида ва мулки бўстонининг чамани акнофида кўрмас нимадин кўзумни наргис кўзидек кўр **ва** эшитмас нимадин қулоғимни бинафша қулоғидек кар **ва** тутмас нимадин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин аёғимни сарв аёғидек ланг ва айтмас сўздин, бетаксис махфий асрореким, гул хурдаси масаллик ғунчадек кўнглумда амонат топшурди — ифшосидин тилимни савсан тилидек гунг қилдим.

Рубоия:

**Шах хизматиға бировки бўлғай мойил,
Кўри кару лангу шал керактур хосил.
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,
Бу мушкил эзур, барчасидин бу мушкил».**

3. Даврдаги, мамлакатдаги мавжуд ғараз, хирс, разолат, ярамаслик каби иллатларни йўқотиш учун ақл ва адолат билан иш тутиш. Зероки Навоийча:

**То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жониға бедод ўлмас—
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

4. Зулм адолатга соя солгундек бўлса ёки бирор номуносиб ва шариятга зид воқеа юз берса, ундан шоҳни огоҳ қилиб туриш — ёхуд шоҳ ижозати—ҳукми (яъни шоҳнинг Навоийга яратиб берган имкониятлари)га биноан тадбирлар кўриш. Навоий фаолиятининг бу соҳаси унинг учун нақадар оғир бўлганлиги ҳақида дейдики:

**Тақририм агар яхши эди, йўкса табох,
Алфозим агар ямон эди, гар дилхоҳ.
Арз этмагини чу ҳукм айлаб эди шоҳ,
Шоҳ англамаса, бу хизматим нетгамен, оҳ!**

5. Адолатсизлик ва зулмни бартараф этиш. Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганда «Илгимдин келганча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом малҳамин кўйдум. Ва илгимдин келмагани ул ҳазрат арзига еткурдум...

**Шах адли уйини айлайин деб маъмур,
Саъй айладим ул қадарқим, эрди мақдур.**

Ҳар нечаки, тенгридин етар шамъга нур, Парвона эрур жони куярдин маъзур.

6. Барчанинг дарди ва аламини енгиллатиш, илтимоси ва ҳожатини чиқариш ҳаракатида бўлиш. «Бу ишлар муқобаласида, — деб ёзади Навоий, — музд тилаб миннат қилмадим, балки муздпарварга миннат дағи туттидар қабул этмадим».

Юқорида санаб ўтилган мақсадларнинг гуманистик характерда эканлиги изоҳ талаб қилмайди.

«Вақфия»да, шунингдек, Навоий подшоҳ ҳукми ва таклифи билан белгиланган ўзининг давлат, маош ва ихтиёридаги даромадлардан бир оддий киши рўзғори учун зарур қисмини ўзига қол-дириб, ортиғини навкар, чериклар эҳтиёжи, мадраса ҳамда хона-қоҳ аҳллари учун ва хайрли бинолар барпо эгиш учун сарфлаб келганини баён этади.

«Вақфия»нинг бу қисмида Навоий маблағлари ҳисобига қурилган маданий-илмий муассасалар «Ихлосия» мадрасаси, «До-рул — ҳуффош» гунбази, «Халосия» хонақоҳи, масжид, Гозургоҳда сарой, ҳовли, боғлар, коризлар ва ҳоказолар санаб ўтилади. Шундан сўнг Навоий кўп мақсадларга етишгани, талай яхши тадбирларни амалга оширишга муваффақ бўлганини эътироф этади ва ушалмаган икки орзуси борлигини айтади: улардан бири муборак сафари (ҳаж), иккинчиси — барча хизматлардан кўра ўзига муносиброқ деб билгани — бадий ижод билан шуғулланиш эди.

«Вақфия»нинг мана шу биринчи қисми охирида каттагина бир парчада Навоий бу икки илтимос билан шоҳга мурожаат қилиш сабабини, тушунтироқчи бўлади. Парчада айтилганлардан Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги кўп қиррали фаолияти ғоят мураккаб ва оғир шароитларда кечганки, у анчагина алам чекиб, машаққатлар тортиб хизматни ўтагани маълум бўлади.

«Вақфия»нинг иккинчи қисмида Навоийнинг хайрли ишлари ва вақф қилдирган мулк, ерлари ҳақида, вақф жойларидаги идора ёки хизмат учун белгиланган лавозимлар, тайин этилган маош, ўрнатилган тартиб-қоидалар, хайрли маросимлар, бинолар таъмири ҳақида сўз кетади. Улар бир даража системага солинса қуйидагичадир:

1. Вақф қилинган ерлар ва мулклар.
2. Вақф қилинган бинолар, иншоотлар.
3. Уларни идора қилиш учун белгиланган вазифалар.
4. Вазифадорлар учун тайин қилинган маошлар.
5. Вақфлар таомили учун аниқланган ашёлар.
6. Бино ва ёдгорликларнинг таъмири.
7. Халқ учун, хусусан, камбағаллар учун ўтказиладиган хайрли маросимлар ва уларда тортиладиган таомлар миқдори.
8. Мударрис ва талабалар учун тартиб қилинган қоидалар, маош ва ҳақ даражаси.
9. Вақфларни сақлаш, идора этиш ва назорат қилиш қоида ва шартлари.
10. Вақф шарт ва қоидаларининг дахлсизлиги (уларни ҳеч ким бузиши ва бирор нарса қўшиши мумкин эмаслиги).

Шуниси эътиборга сазоворки, буларинг барчасини Навоий эл-юрт фойдасига қилганлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтади.

Проф. И. Султонов «Навоийнинг қалб дафтари» китобида Навоийнинг вақф ерлари ва мулки, унинг пул ҳисобидаги миқдори ва хайрли ишлари ҳақида сўзлаб, «Вақфия»даги маълумотларни Хондамирнинг «Мақоримул-ахлоқ», Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкираси, Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» ва Бобирнинг «Бобирнома»си ва шу каби манбалардаги маълумотлардан иқти-бос келтириб тўлдирди.

Навоийнинг ўзи «Вақфия»да қайд этилган вақф ерлари, бинолари ва хайрия ишларини «ижмол тарийқи била...», яъни улар ҳақидаги маълумотлар нотўлиқ бир тарзда, мухтасар ҳолда берилганини айтиб ўтган эди. Бинобарин, бошқа манбалар асосида тўлдирилган маълумотлардан баъзилари ҳақиқатан ҳам Навоий эътиборидан четда қолган, баъзилари эса балки 1481 йил («Вақфия» ёзилган йили)дан кейин амалга оширилган бўлиши мумкин.

«Вақфия» қисман юқорида айтиб ўтилганидек, Навоийнинг халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида олиб борган, юксак инсонпарварлик ва ватанпарварлик принципларига асосланган ижтимоий фаолияти, унинг ҳаёти, руҳий олами ҳақида муайян тасаввур яратади ва бу фаолият реал муҳит, реал шароит билан боғлиқ бўлганини кўрсатади.

«Вақфия»даги муаллиф образи — фаол ҳаракатда бўлган арбоб, илғор фикрли гуманист ва маърифатпарвар сиймо сифатида намоён бўлади.

Асарнинг Навоий даври ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-аграр муносабатларини ўрганишда муҳим тарихий ҳужжат эканлиги шубҳасиздир.

Ўқиш учун бериладиган адабиётлар:

Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982.

Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VII-VIII века. Алма-Ата, 1971.

Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Танланган асарлар. ИИИ том. Тошкент, 1948. 5-149.

Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Тошкент, 1968.

Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент, 1992.

Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского ХИИ-ХИИИ тефсира вв. М., 1963.

Дмитриева Л.В. Хуастуанифт (введение, текст, перевод). – Тюркологические исследования. М., 1963. С. 214-232.

Эшмухамедова М. “Девони ҳикмат” қўлёзмалари. Тошкент, 2003.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989.

Кононов А.Н. Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону луғотит турк” асари. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. Тошкент, 1972 (1), 31-38- б.; 1972 (2), 29-35- б.

Кызласов И.Л. Древняя письменность Саяно-Алтайских тюрков. М., 1994.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951.

Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. М.-Л., 1952.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.-Л., 1959.

Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк И-ИИИ. Тошкент, 1960-1963.

[*Маҳмудов Қ., Содиқов Қ.*] ХИ-ХВ асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. Тошкент, 1994.

Мелиоранский П.М. Араб филолог о турецком языке. СПб., 1900.

Мелиоранский П. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. ХВИ. 1904-1905. СПб., 1906. С. 01-012, таблица И.

Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. И-ИИ (Нашрга тайёрловчилар: Э. Фозилов, А. Юсупов, Ҳ. Дадабоев). Тошкент, 1990-1991.

Радлов В. Ярлыки Токтамышша и Темир-Кутлуга. – Записки Восточного Отделения. Т. ИИИ. СПб., 1888. С. 1-40.

Радлов В.В. Кудатку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. СПб., 1890.

Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). Тошкент, 1997.

Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

- Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. М., 1991.
Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб, ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб, ушбу мавзуни конспектлаштирадидлар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

2. Матнни ўқиш ва ёзма таржима қилиш

Фаннинг мавзуси доирасида белгилаб бериладиган, маълум бир ҳажмдаги матнни ифодали ўқиш ва ушбу ўқиш жараёнида учраган нотаниш сўзлар устида ишлаш, жумлаларда қандай грамматик категориялар иштироки мавжудлигини аниқлаш ҳамда янги сўз, сўз бирикмалар ва ибораларни ёд олиш ҳамда таржимада сўзларнинг маънолар силсиласини тўғри танлаш, шунингдек, жумлаларни бир-бирига муносиб равишда ёзма таржима қилиш мазкур мустақил таълимнинг шаклларида бири ҳисобланади. Бунда талабалар турли хил соҳадаги матнларни ифодали талқин этишга, сўз бойлигини оширишга ва сўзлашув амалиётини ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Яқунда талабалар белгиланган муддатларда масъул ҳайъат аъзолари олдида ўз маҳоратларини намоён этадилар.

3. Реферат тайёрлаш

Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

4. Кўргазмали воситалар тайёрлаш

Талабага муайян мавзуни баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, намуналар, кичик бадиий асар, слайдлар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади.

5. Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш

Талабага муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали моментларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади. Консултация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилган вазифа ва талабаларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишлаб келиш, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

Тест, савол ва топшириқлар мажмуаси кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

6. Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш

Талабага бирон бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий (рефератив) характерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуктаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

ўзлаштириш	5 балл
“аъло”	4.4-5.0
“яхши”	3.6-4.3
“қониқарли”	2.8-3.5
“қониқарсиз”	0-2.7

Изоҳ. Ҳар бир ўқитувчи ўтиладиган мавзулар хусусиятларидан ҳамда гуруҳдаги ўзлаштириш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, мустакил таълим учун белгиланган 30 балл (3 ёки 5 ҳафтада 5 балл) доирасида мазкур сўровларга турлича ёндашиши ва балларни тақсимлашига рухсат берилади.

Юқорида келтирилган сўров турлари қуйидагича мезонлар ва кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

Мезонлар	“аъло”	“яхши”	“қониқарли”	“қониқарсиз”
Мавзу	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзуни тўла концепт қилган бўлса; ▪ мавзуни тўлиқ сўзлаб берса; ▪ мисоллар билан исботласа-ю, 1-2 хатоси бўлса; ▪ барча саволларга жавоб берса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзуни концепт қилган бўлса; ▪ мавзуни қисман сўзлаб берса; ▪ мисоллар билан исботласа-ю, 3-4 хатоси бўлса; ▪ саволларга қисман тўғри жавоб берса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзуни чала концепт қилган бўлса; ▪ мавзуни мужмал сўзлаб берса; ▪ мисоллар билан исботласа-ю, 5-6 хатоси бўлса; ▪ саволларга мужмал ва чала жавоб берса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзуни тушунарсиз ва чала концепт қилган бўлса; ▪ мавзуни сўзлаб беришга қийналса; ▪ саволларга бир қатор хато билан жавоб берса.

<p>Матн устида ишланиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> ▪ матнни тўлик ҳажмда ўзлаштирган бўлса; ▪ таржима тўлик ва матн мавзусига мос аниқ, бажарилган бўлса; ▪ мавзуга оид таянч иборалар мақсадли қўлланилган бўлса; ▪ лексик ва фразеологик бирликлар тўғри ва пухта ёд олинган бўлса; ▪ ижодий ёндоша ва мустақил фикрлай олса; ▪ матн мавзуси юзасидан эркин суҳбат қила олса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ талаба матнни қисман ўзлаштирган бўлса; ▪ таржима умумий, айрим қисмларида матндан узоқлашиш мавжуд бўлса; ▪ матн мавзусига оид таянч иборалар таниш, бироқ мақсадли қўлланилиши етарли даражада эмас; ▪ лексик ва фразеологик бирликлар ёд олинган, бироқ уларни қўллашда чалаўликларга йўл қўйилса; ▪ ижодий ёндошувни ва мустақил фикрлай олишни тўла амалга ошира олмаган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ талаба матнни чала ўзлаштирган бўлса; ▪ таржимада қатор камчиликлар ва чалкашликлар мавжуд бўлса; ▪ матн мавзусига оид таянч иборалардан фойдалана олмас; ▪ лексик ва фразеологик бирликлар чала ва хатолар билан ёд олинган бўлса; ▪ матн мавзуси юзасидан берилган саволларга мужмал ва чалкаш жавоблар берса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мустақил таълим учун белгиланган мавзу, вазифа ва топшириқларни ўзлаштирмаган бўлса; ▪ мавзуга доир ҳеч қандай тушунчага эга бўлмас; ▪ берилган вазифалар бўйича мутлақо тайёргарлик бўлмас ва ёки бажарилган вазифаларни бошқалардан олинганлиги сезилиб турса; ▪ топшириқлар юзасидан саволларга жавоб бера олмас; ▪ машғулот жараёнида фаолият ва ташаббус кўрсатмас.
<p>Реферет</p>	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу тўла акс этган бўлса; ▪ мисолларга бой бўлса; ▪ баёнда илмийлик бўлса; ▪ ижодий ва мантикий ёндашса; ▪ барча саволларга жавоб берса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу умуман акс этган бўлса; ▪ мисоллари етарли бўлса; ▪ баёнда илмийлик бўлиб, шубҳали фикрлари бўлса; ▪ ижодий ёндашса-ю, мантиқда қўпол бўлмаган хатолар бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу чала акс этган бўлса; ▪ мисоллари етарли бўлмас; ▪ баёнда илмийлик бўлмасдан, шубҳали фикрлари бўлса; ▪ ижодий ёндашмасдан мантикий кетма-кетликда ёритмаган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу жуда қисқа акс этган бўлса; ▪ мисоллари жуда кам бўлса; ▪ баёни илмийликдан узоқроқ бўлса.
<p>Кўргазмали воситалар</p>	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу тўла акс этган бўлса; ▪ мисоллар билан бой бўлса; ▪ ижодий ва мантикий ёндашса; ▪ тақдимотда интерактив усуллардан фойдаланган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу умуман акс этган бўлса; ▪ мисоллари етарли бўлса; ▪ ижодий ёндашса-ю, мантиқда қўпол бўлмаган хатолар бўлса; ▪ тақдимотда интерактив усуллардан қисман фойдаланган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу чала акс этган бўлса; ▪ мисоллари етарли бўлмас; ▪ ижодий ёндашмасдан мантикий кетма-кетликда ёритмаган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ мавзу тушунарсиз ва чала акс этган бўлса; ▪ мисоллари жуда кам бўлса; ▪ тақдимотда интерактив усуллардан фойдаланмаган бўлса.
<p>Тестлар, топшириқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> ▪ манба ва адабиётлар билан пухта ишлаган бўлса; ▪ ижодий ва мантикий ёндашса; ▪ савол ва топшириқлар тўғри ва заковатли тузилган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ манба ва адабиётлар билан ишлаган бўлса; ▪ ижодий ёндашса-ю, мантиқда қўпол бўлмаган хатолар бўлса; ▪ савол ва топшириқлар тўғри ва лўнда тузилган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ адабиётлар билан ишлаб, манба билан ишламаган бўлса; ▪ ижодий ёндашмасдан мантикий кетма-кетлиги бўлмас; ▪ савол ва топшириқлар қисқа ва мужмал тузилган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ адабиётлар билан яхши ишламаган бўлса; ▪ фикри мантиқан ногўғри бўлса ; ▪ савол ва топшириқлар умуман тушунарсиз бўлса; ▪ кўчирилганлиги сезилса.

Илмий мақола, тезис, маъруза	<ul style="list-style-type: none"> ▪ асосли янгича фикрларни илгари сурган бўлса; ▪ таҳлиллари тўғри бўлса; ▪ ижодий ва мантикий ёндашса; ▪ манба ва адабиётлар билан ишлаган бўлса; ▪ фикрлар мисоллар билан мукамал исботланган бўлса; ▪ 2-3 та грамматик, орфографик, услубий хато бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ янгича фикрларни илгари сурган бўлса-ю, етарлича асослаб беролмаса; ▪ таҳлиллари яхши бўлса; ▪ ижодий ёндашса-ю, мантикда қўпол бўлмаган хатолар бўлса; ▪ манба ва адабиётлар билан ишлаган бўлса; ▪ фикрлар мисоллар билан етарлича исботланган бўлса; ▪ 4-5 та грамматик, орфографик, услубий хато бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ янгича фикрларни илгари сурмаган бўлса; ▪ таҳлиллари қониқарли бўлса; ▪ ижодий ёндашмасдан мантикий кетма-кетликда ёритмаган бўлса; ▪ адабиётлар билан ишлаб, манба билан ишламаган бўлса; ▪ фикрлар мисоллар билан етарлича исботланмаган бўлса. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ фикрларни кўчирганлиги кўринса; ▪ таҳлиллари қониқарсиз бўлса; ▪ мантикий кетма-кетлиги бўлмаса; ▪ адабиётлар билан ишлаб, манба билан ишламаган бўлса; ▪ 9 дан ортиқ грамматик, орфографик, услубий хато бўлса.
------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗИ ЎҚИБ ЎРГАНИШИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган тўртликлар, халқ мақолларидан мисоллар ишлаш.
2. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидан мисоллар олиб, уларни грамматик таҳлил қилиш.
3. Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарида мисоллар таҳлил қилиш.
4. “Туркий тафсир” ва унинг бадиий таҳлили.
5. Насируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарининг бадиий таҳлили.
6. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонининг бадиий таҳлили.
7. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асарида мисоллар олиб, матнларни бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш.
8. Мавлоно Лутфийнинг туюқ ва ғазалларидан мисоллар ишлаш.
9. Алишер Навоий ғазалларини бадиий таҳлил қилиш.
10. Ғазаллар семантикаси, бадиияти.
11. Навоийнинг рубоий ва туюқларининг бадиий таҳлили..
12. “Фарҳод ва Ширин”, “Саъбаи сайёра”, “Садди Искандарий”, “Лисону-т-тайр” достонларидан мисоллар олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
13. Навоийнинг насрий асарларидан мисоллар олиб, бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш.
14. “Мажолис ун-нафоис” асарини бадиий таҳлил қилиш.
15. “Муншаот”даги мактубларни бадиий таҳлил қилиш.
16. Заҳириддин Бобур лирикаси.
17. “Бобурнома” асарида мисоллар олиб, бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш.
18. Бобораҳим Машраб шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
19. Хувайдо шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
20. Шермуҳаммад Мунис шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
21. Муҳаммад Шариф Гулханий шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
22. Амирий шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
23. Жаҳон отин – Увайсий шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
24. Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.
25. Муҳаммад Аминхўжа Муқимий шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.

26. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат шеърларидан олиб, уларни бадиий таҳлил қилиш.

27. Адабиёт тарихи, адабий жанрлар, уларнинг тарихий такомилени акс эттирувчи расмлар, чизмалар таҳлили.

САВОЛЛАР ЖОРИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1-билет

1. “Навойшунослик” фанининг мақсад ва вазифаларини сўзлаб беринг.
2. Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштиришда унинг қайси жиҳатларига эътибор қаратилади?

2-билет

1. Энг қадимги оғзаки ижод намуналари.
2. Туркий халқларнинг энг эски афсона ва ривоятлари.

3-билет

1. Бўзқурт (Бўзбўри) тўғрисидаги ривоят тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Халқ дoston ва марсиялари, ов, жанг, меҳнат, маросим кўшиқлари.

4-билет

1. Энг қадимги халқ мақоллари.
2. Алп Эр Тўнга тўғрисидаги дoston.

5-билет

1. Қадимги турк адабиётида яратилган Ўғузхоқон тўғрисидаги ривоятлар.
2. Уйғур ёзувида битилган “Ўғузхоқон” (=“Ўғузнома”) дostonининг келиб чиқиш тарихи, унинг илдизлари.

6-билет

1. Ўғузхоқон тўғрисидаги ривоятларнинг кейинги – ислом даврида қайта ишланган вариантлари.
2. Халқ дostonларида анъанавийлик масаласи.

7-билет

1. Ўзбек халқ оғзаки адабиётининг тарихий илдизлари. Алпомиш, Гўрўғли туркумидаги дostonларнинг генезиси масаласи.
2. Оғзаки ва ёзма адабиёт боғлиқликлари.
3. Қадимги турк ёзма адабиёти, унинг юзага келиши.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1-билет

1. Адиб ва тарихнавислар Тўнюқук, Йўллуғ тигиннинг адабий фаолияти, уларнинг туркий адабиёт тарихидаги хизматларини сўзлаб беринг.
2. Кўк турк битиглари – адабий манба сифатида.

2-билет

1. Тўнюқук, Кул тигин, Билга хоқон, Ўнгин битиглари тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Битигларда акс этган тарихий воқеалар.

3-билет

1. Битигларнинг тузилиши, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари.
2. Бумин, Элтариш, Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга хокон – адабий ва миллий қаҳрамонлар сифатида.

4-билет

1. Битигларда тарихий шахс ва адабий қаҳрамон муносабатлари масаласи.
2. Енисей битигларининг мазмуни ва жанр ўзгачаликлари.

5-билет

1. Кўк турк даврида юзага келган адабий мактаблар: урхун адабий мактаби; енисей адабий мактаби. Ушбу адабий мактабларнинг ўзига яраша кирралари.
2. Қадимги турк шеърятининг генезиси ва таракқиёти масалалари.

6-билет

1. Қадимги шеър турлари. Турк адабиётида қошук~қошўғ, тақшут, йр~ййр, кўг~кўг, шлок, падак, баъ~баёқ сингари шеър турларининг юзага келиши.
2. Қадимги турк шеърятининг намояндалари: Априн-чўр тигин, Кул тарқан, Сингку Сели тутунг, Ки-ки, Пратя-Шири, Асиф тутунг, Чисуя тутунг, Қалим Кейши.

7-билет

1. Қадимги турк-моний адабиёти.
2. Монийчилар тавбаномаси “Хуастуанифт”нинг туркий версияси.

8-билет

1. Моний муҳитида яратилган шеърый асарлар: тонг тангри, порлок, кучли, билга тангрига аталган алқовлар.
2. Ўлим, жаҳаннам тасвири тўғрисидаги шеърлар. Монийга аталган алқовлар.

9-билет

1. Турк-будда адабиёти. Қадимги турк адабиётида таржимачиликнинг юзага келиши.
2. Санскрит-турк, тоҳар-турк, табғач-турк, суғд-турк адабий алоқалари.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1-билет

1. Навойнинг ижтимоий фаолияти.
 2. Навойнинг илк девони
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Себакедир оразим ранги биров хижронидин.
Олмадек бўлмиш қизил ҳар ёни ашким қонидин.

2-билет

1. Навойнинг болалик йилларидаги муҳим бир учрашув.
 2. Навой “Хамса”си дostonларининг илмий-танқидий матнлари.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Нишиман (уя) айлади кўнглум қуши қўйнингда, қаҳр этма!
Қабутарға киши қасд этмади байтул- ҳаром ичра.

3-билет

1. Навойнинг биринчи бор Машҳадга келиши.
2. Навойнинг маснавийси – ўз даврининг айбномаси.
3. Байтни таҳлил қилинг

Йиборди ёр базмидин бир пистаи қанди,
Олиб ўптумки-бор эди лаби-ю оғзи монанди.

4-билет

1. Алишернинг болалик йиллари.
2. Навоийнинг Хуросондан Самарқандга кетиш сабаблари баён этилган асари.
3. Байтни таҳлил қилинг
Чарх ёғдурса кавокибни – сиришкимча эмас,
Қойда дарё била тенг бўлғони бордур шудурун...

5-билет

1. Хондамир ва Алишер Навоий.
2. Навоий - хамасанавис.
3. Байтни таҳлил қилинг
Заҳмима малҳам ёқиб, ғамгин кўнгул шод ўлмади,
Раҳнаға болчиғ суваб, вайроним обод ўлмади.

6-билет

1. Гиёсиддин кичкина ва темурийлар.
2. “Мақорим ул-ахлоқ” асарни ва унинг муаллифи.
3. Байтни таҳлил қилинг
Орзуи васлидин ранжур эрур мунглуғ кўнгул,
Қут(овқат) учун тазвир(ҳийла) ила бемор бўлғондек гадо.

7-билет

1. Навоийнинг болалик йилларида мутолаа қилган асарлар.
2. “Ҳайрат ул-аброр” асари.
3. Байтни таҳлил қилинг
Кўнглум ҳарима ичра қилур жилва ул пари –
Андоқки, Каъба ичра ҳарамнинг кабутари.

8-билет

1. Навоийнинг биринчи бор ёд олган шеъри ва бу ҳақда унинг ўзи қайси асарида сўз юритган.
2. “Кўзин не бало қаро бўлубтур –
Ким, жонға қаро бало бўлубтур” – байти билан бошланувчи ғазалнинг яратилиш тарихи.
3. Байтни таҳлил қилинг
То ғамдадур Навоий анга даҳр(олам) тийрадур,
Шод англамас улусни биров бўлса қайғулуқ.

9-билет

1. Навоий ва Лутфий.
2. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони.
3. Байтни таҳлил қилинг
Жунунум ўлса дамо-дам таажжуб этмангким,
Кўзумга ул пари ўлур замон-замон пайдо.

10-билет

1. Навоийнинг Машҳадлик чоғида юз берган муҳим воқеа.
2. Навоийнинг хамсатайнга муносабати.
3. Байтни таҳлил қилинг
Алиф каби қадинг ул ики ломи зулф ичра кўрунғач,

Ўлдум алар васфин айламактин лол.

11-билет

1. Алишер Навоий ва Саид Ҳасан Ардашер.
 2. Низомий “Ҳамса”сидаги дostonлар.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Ғам топар ҳажрингда ашким(кўз ёши) ичра кўнглум порасин,
Иш куни топқон киби эл ғойибин қонлар аро.

12-билет

1. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий.
 2. Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асари, унинг яратилиш сабаби.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Кўз ёшим бўлди равон бир нарғиси жоду кўриб,
Тифл янглиғким – югургай ҳар тараф оху кўруб.

13-билет

1. Навоийнинг Самарқандга келиши сабаблари ҳақида сўз юритган асари.
 2. Навоий лирикасига хос бўлган энг муҳим хусусиятлар.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Ақлу сабру хуш итиб, кўнглумда қолди доғлар,
Корвон кўчса, қолур ўтлар ери манзил аро.

14-билет

1. Навоий Самарқандда.
 2. Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” лирик куллиётидан жой олган девонлар.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Мунажжим қошу кўзунг кўргач айтур,
Ким: “Ушбу ой бошида фитналар бор”.

15-билет

1. Навоий ва Мирзобек.
 2. Вале айт, деб, ким менга тутти юз –
Ки, мен юз учун демадим икки юз, - Навоий бу байтда нима демоқчи?
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Гар Навоийнинг куюк бағрида қондур, не ажаб!
Хомсўз ўлур ёлин (ёлқин) узра тушуб куйган кабоб.

16-билет

1. Навоий ва Самарқанд маданий муҳити.
 2. Навоийнинг “Сабъаи сайёра” асари, унинг композицион ўзига хослиги.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Бас эттим ашқфишонлиғ (ёш тўкиш) чу зоҳир (намоён) эттинг юз,
Нечукки, меҳр кўрунғач ниғон бўлур юлдуз.

17-билет

1. Навоий ва Фазлуллоҳ Абуллайсий.
 2. Алишер навоийнинг дастлабки девонлари.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Ишқ ўти ёққали чок этти қуруқ жисмимни
Ёрса, хушроқ туташар неча қуруқ бўлса ўтун...

18-билет

1. Навоийнинг Самарқанддан қайтиши.
 2. Навоийнинг “Садди Искандарий” девони.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Чун Навоий ёри сори юзланур, қайғу қолур
Соё қолғондек кейин хуршед (куёш) бўлғоч ўтруда (қаршида).

19-билет

1. Навоий – буюк давлат арбоби.
 2. Навоийнинг “Муншаот” асари.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Новакинг (ўқ) жисмимға сончилғоч етишти юз бало,
Шох уза пайванд қилғоч мунчаким топмиш самар.

20-билет

1. Навоий Астрободда.
 2. Навоий ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалар.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Коми альлингнинг хаёлидан кўнгул қозғонмади,
Тушта сув ичмак била лабташна ҳаргиз қонмади.

21-билет

1. Навоий ва шаҳзода Бадиуззамон.
 2. Навоийнинг “Муножот” асари.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Ул тутқоч айоғ, мен айоғиға қўйубон юз,
Исор анга кўздин бори дурри Адан эрди.

22-билет

1. Навоий – маданият аҳли ҳомийси.
 2. Навоийнинг “Вақфия” асари.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Оғзию зулфи ғамидинким, эрур ноламда мад,
Бўйла мад тортарда онинг “мим”у “дол”и бирла мен.

23-билет

1. Навоийнинг Астрободга юборилиш сабаблари.
 2. “Тухфат ус-салотин” қандай асар ва унинг муаллифи ким?
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Кўрмасам қошинг, бўлурмен турғоним бирла фиғон,
“Войи” эрур, бас чу бўлмаса Навоий бирла “нун”.

24-билет

1. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро.
 2. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари.
 3. Байтни таҳлил қилинг
- Кўкрагим чокини тикмак била бутсун демангиз,
Субҳнинг кўнглакининг чокини ким қилди бутун.

25-билет

1. Навоийнинг сўнги кунлари.
2. Навоийнинг насрий асарлари.

3. Байтни таҳлил қилинг
Алиф каби қадинг ул ики “лом”и зулф ичра кўрунғач,
Ўлдум алар қасфин айламакдин лол.

26-билет

1. Навоийнинг йигитлик йиллари.
2. Навоийнинг Листон ут-тайр достони”.
3. Байтни таҳлил қилинг
Бошоқ устида талашқон киби мазраъда (экинзор) гадолар,
Дашти ишқинг аро ушшоқ ила пайкон (камон ўқинигн боши) талошурмен.

27-билет

1. Хондамирнинг Навоийга бағишланган асари.
2. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари.
3. Байтни таҳлил қилинг
Қолди холинг тер остида, ёхуд –
Дамин асрар суға чўмуб ҳинду?

ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН КИТОБЛАР

Энг керакли китоблар:

Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976.
Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1964.
Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1987.
Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Тошкент, 1980.
Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Тошкент, 2009.

Қўшимча китоблар:

Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003.
Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.
Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. М.–Л., 1952.
Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.–Л., 1959.
Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. И–ИИИ. Нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Тошкент, 1960–1963.
Исҳоқов М., Содиқов Қ. Омонов Қ. Мангу битиглар. Тошкент, 2009.
Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, 2002.
Раҳмонов Н., Содиқов Қ. Ўзбек тили тарихи. Тошкент, 2009.
Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва матншунослик масалалари). Тошкент, 1997.
Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.
Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. Тошкент, 2008.
Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI–VIII вв. М., 1965.
Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М., 1976.
Стеблева И.В. Стихи и время. – В кн. Сад одного цветка. Статьи и эссе. М., 1991. С. 277–293.
Тиливалди-Хамраев А. Древнетюркский книжный стих (Формирование древнеуйгурской книжной версификации и проблема аллитерационного стиха). Алматы, 2002.
Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. Ташкент, 2004.
Қадимий хикматлар. Тошкент, 1987.

Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Тошкент, 2000.

Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959.

Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, 1971.

Арат Р.Р. Эски Түрк Ҷири. 3. баски. Анкара, 1991.

www.turfanforсhунг.com

www.алтаика.ру

www.турколог.ру

www.тонюкук.co

ФАН БЎЙИЧА ОЧИҚЛАМА СЎЗЛИК

АДАБИЁТШУНОСЛИК СТИЛИСТИКАСИ бадиий асар, муаллиф, адабий оқим ёки бутун бир даврга хос бўлган барча бадиий ифода воситалари ва бадиий ифода билан боғлиқ омилларни ўрганади.

АКАДЕМИК НАШР —Бир шоир ёки адиб ижодий меросини мукамал қамраб олган, танқидий матн билан тенглаштирилган нашр тури.

АМАЛИЙ МАТНШУНОСЛИК муайян асар матни тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш, ёзилиш даври ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (атрибутсия) йўли билан муаллиф варианты ёки унга яқин энг ишончли вариантни танлаб, шу вариант асосида матнни тиклайди.

АРХЕОГРАФИЯ—қадим ёзма ёдгорликларини қайта ишлаш усуллари ва эълон қилишнинг назарий масалалари ҳақидаги тарихий-филологик фан. Бу соҳадаги ишлар минтақа маданиятимизда алоҳида ном билан аталмагани ҳолда жуда қадимдан давом этиб келади.

АРХИВШУНОСЛИК—ҳужжатларни йиғиш, тартибга солиш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқувчи, архивлар ишини ташкил этишни, уларнинг тарихини ўрганувчи фан. Бу соҳа мутахассислари Республика Давлат архиви, ноҳия ва вилоят архивларида фаолият кўрсатадилар. Адабий архивлар республикамиз қўлёзма фондларида ва адабиёт музейларида жойлашган. Шўролар даврида қатағон қилинган адиблар ҳақида Республика Давлат архивидан кўпгина маълумотлар топиш мумкин.

БАЛОҒАТ – каломнинг вазият тақозосига мос ҳамда фасоҳатли бўлиши.

БАСМАЛА—ҳар бир китоб «бисмилло»дан бошланган.

БИБЛИОГРАФИЯ—тарихий, адабий, илмий асарларнинг фан, мавзу, давр, мамлакат, муаллифларга бағишлаб тузилган манбалари рўйхати. Улар алоҳида китоб ёки китобга илова тарзида, алифбо тартибида бўлади.

ЭПИГРАФИКА—тош, ёғоч, сопол каби нарсаларда сақланган ёзувларни ўрганувчи тарихий-филологик фан.

ФИЛИГРАНОЛОГИЯ—қоғоздаги сув белгиларини ўрганувчи фан. Айниқса, китоб муқоваларига туширилган шакллар, безаклар сув белгилари усулида ҳосил қилинган. Уларнинг вужудга келган вақти ва жойини билган ҳолда, санаси кўрсатилмаган қўлёзма китоблар ҳақида ҳукм чиқариш мумкин.

ГЕРМЕНЕВТИКА—матншуносликнинг қадим ёзма ёдгорликларни, классикларнинг асарларини уларнинг дастлабки мазмунини тиклаш мақсадида шарҳлаш, тафсир этиш соҳаси. (Антик даврда диний матнларни шарҳлаш, тафсир этишдан келиб чиққан). Жумладан, Форобий юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Эвклид, Птолемей, Порфирий ва бошқаларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса Аристотел асарларидан «Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва бошқаларни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб берган. Бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи «Мо баъий табиат» га ўхшаш махсус шарҳлар ёзган. Ҳозирги маънодаги герменевтика шоир ёки ёзувчи асарларининг илмий танқидий-матнини тузиш, бу асарларни ҳар хил изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаш, асарнинг адабиётда тутган ўрнини аниқлаб беришдир.

ҲАМД—Оллоҳнинг мадҳи, «тахмид» ҳам дейишади. Матннинг узвий таркибий қисми бўлиб, унда Оллоҳнинг бағоят буюклиги ва барча ишларга қодирлиги, унга муаллиф муносабати акс этади.

ҲОШИЯ—жадвал (матн рамкаси)дан ташқарида жойлаштирилиб, кўпинча тушиб қолган ўринларга қистирмалар қўйиш, изоҳ бериш, матн фикрини тасдиқлаш учун хизмат қилади.

ИЧКИ УНВОН—тузилиши мураккаб китобларда улар баъзан бошқа (масалан қизил) сиёҳ билан, баъзан қалин харфлар (жумладан насрий асарларда), баъзан ҳозиргидек саҳифа ўртасида берилади.

КОЛОФОН—котибнинг қўлёзма сўнгида келтирадиган маълумотномаси. Унда китоб муаллифи (баъзан), котиб, буюртмачи (баъзан), кўчирилиш санаси, сабаби (баъзан) берилиши мумкин.

КРИПТОГРАФИЯ—палеографиянинг махфий ёзувларни ўрганувчи соҳаси.

МАНБАШУНОСЛИК— ёзма манбаларни йиғиш, қидириб топиш, тартибга солиш ва улардан илмий фойдаланиш йўллари ўргатувчи фандир.

МАТН—китобнинг асосий қисми бўлиб, унга айрим хошия ёзувлари, жадвал, пойгирлар кирмайди.

НАЗАРИЙ МАТНШУНОСЛИК матнларни илмий тадқиқ этишнинг умумий қонуниятлари, турли тарихий босқичларда уларнинг ўзгариб бориш хусусиятлари ва ниҳоят, матнни қайта тиклаш принциплари каби назарий масалаларни тартибга солади.

НУМИЗМАТИКА—тарихнинг танга, чақа ва тақинчоқлардаги ёзувларни, пул зарб қилиш ва пул муомаласини ўрганувчи соҳаси.

ПАЛЕОГРАФИЯ— қадим ёзма ёдгорликларнинг ёзилиш ўрни, вақти ва ҳ.к.ларни аниқлаш учун унинг ташқи белгиларини, ёзувини ўрганувчи тарихий-филологик фан. Бунинг учун қўлёзмаларнинг материали, харф шакллари, безак ва бошқа хусусиятлари синчиклаб ўрганилади. Алоҳида ном билан аталмагани ҳолда китобат ишлари жумласида мавжуд бўлиб келган.

ПОЙГИР—ўзидан кейинги саҳифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб ўнг саҳифанинг энг остига, чап томонга жойлаштирилади (пойгир саҳифаларни дасталаш учун бет рақамлари ўрнига ишлатилади).

ҚАДИМИЙ ЛУҒАТЛАР—улар алоҳида сўзларнинг маъносини шарҳлаш билан бир қаторди бу сўзлар ишлатилган манбаларни ҳам келтиришлари манбашуносликнинг кўпгина мунозарали саволларига жавоб бера олиши билан қимматлидир.

ТАРИХИЙ ПОЭТИКА—бадий сўз санъатининг тарихнинг турли босқичларида вужудга келган қонуниятлари ва мумтоз адабиёт жанрлари назарияси билан шуғулланувчи филологик фан.

ТРАНСКРИПЦИЯ (лат.—кўчириб ёзиш)—матн ёзувининг шартли, сунъий тури орқали нутқ товушларининг барча хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда хатга туширилиши.

УСЛУБШУНОСЛИК—У лисоний (лингвистик) услубшунослик ва адабий услубшуносликларга бўлинади. Адабий йўналишда айрим тарихий даврлар, минтақалар, муайян адабий мактаблар, ижодкорларнинг ижод тарзи, услуби хусусиятларини ўрганувчи филологик фан. Бунда асарлардаги бадий нутқ, поетик тил хусусиятлари, ифода воситалари ўрганилади. Жумладан, хуросон услуби, ҳинд услуби, туркона услуб ва ҳ.к..

ТУЗУВЧИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

ТУРСУНОВ ЮСУФ



Филология фанлари номзоди. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг етакчи илмий ходими. Кафедрада ўриндошлик асосида дарс беради.

1947 йилда туғилган.

Тошкент Давлат университети филология факультетини тугатган (1970).

1986 йили филология фанлари доктори М. Ҳакимов раҳбарлигида ёзган “Муншаот”- Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим адабий-тарихий манба” мавзuidaги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Талабаларга “Навоийшунослик”, “Ўзбек мумтоз адабиёти”, “Мумтоз адабиётшунослик” фанларидан дарс ўтади.

Кўзга кўринган ишлари:

1. «Мезон ул-авзон» асарининг Мунис кўчирган қўлёзма нусхаси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» ж., 1975, № 5.
2. Ноёб тарихий ҳужжат. «Адабий мерос», 1975, № 4.
3. Навоий мактубларини ўқиб..., «Фан ва турмуш», 1976. № 11
4. «Муншаот»нинг қўлёзма нусхалари ва уларда мактублар миқдори. «Адабий мерос», 1977, № 7.
5. Навоий «Муншаот»нинг Ленинград фондидаги икки нусхаси ҳақида. «Адабий мерос», 1978 № 10.
6. Дўстлик лавҳалари. «Фан ва турмуш», 1982. «5.
7. «Хазойин ул маоний»нинг тасниф тарихига доир. «Адабий мерос», 1983, № 3 (27).
8. Шоир ҳаётдан бир лавҳа. «Ёш ленинчи» газетаси, 1984, 9 февраль.
9. Нодир мактублар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1984, 10 февраль.
10. Алишер Навоийнинг Астрободдаги фаолиятига доир. «Адабий мерос», 1984, № 1 (29).
11. Мактублар ҳикояси. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1986, 8 февраль.
12. Алишер Навоий таржимаи ҳолига доир айрим тўлдиришлар. «Адабий манбашунослик» ЎзР ФА Қўлёзмалар институти олимларининг IV йиллик конференциясининг қисқача ахборотлари припринти тезислари, Тошкент, 1987.
13. Навоий мактублари. «Шарқ Юлдузи», 1957, № 4.
14. Алишер Навоийнинг Балхдаги фаолиятдан бир лавҳа. «Адабий манбашунослик». Тошкент, 1987.
15. Навоий «Муншаот»ида рубоийлар. «Адабий мерос», 1988, №2 (44).
16. «Муншаот»нинг Истанбул нусхаси бўйича баъзи кузатишлар. «Адабий манбашунослик». Тошкент, 1987.
17. Хазина изловчилар. «Совет Ўзбекистони». Ж., 1988, № 9.
18. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мактубларини нашрга тайёрлаш масаласига доир. «Адабий манбашунослик». Тошкент, 1989.
19. Навоий ҳазратларининг ёзишларича. «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1990. 4 декабрь.
20. Навоийни тўғри тушунинг. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1990, 17 декабрь

21. «Ул насихатлар эрур анга калид», «Тошкент оқшоми» газетаси, 1991, 18 июль.
22. Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал, «Постда» газетаси, 1991, 9 февраль.
23. Нурафшон дўстлик. «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1991. 31 декабрь
24. «Муншаот» - Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба. Рисола. Тошкент. 1993.
25. Ҳаж сафари орзусидаги арзадошт. «Кўзгу» газетаси, 1995, 9 февраль.
26. Қадимий кўлёмаларни излаб. «Тошкент ҳафтанома» газетаси, 1998, 14 май.
27. «Дастурнома» кимга йўлланган? «Адабиёт кўзгуси», 2000, № 5.
28. Олимлар ҳамкорлиги. «Адабиёт кўзгуси», 2000, № 5.
29. Кўлёмза манбалар устида ишлаш тажрибасидан. Шарқшунослик, 2000, № 1 (адабиётшунослик).
30. Икки буюк сиймо дўстлигига бағишланди. «Адабиёт кўзгуси», 2000, № 6.
31. Сайфулла отанинг ноёб тухфаси. «Мозийдан садо» ж., 2001, №1 (9).
32. Буюк даҳо ҳаёт йўли. «Мозийдан садо» ж., 2001, 3 (11).
33. «Сўздан сўзнинг фарқи бор» мақоласига жавобан мақола. «Халқ сўзи» газ., 2002 й., 23 май.
34. Қалбни ўқишда нуқтадонлик даркор. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2002. 6 сентябрь
35. «Ижодий ҳамкорликка пайваст дўстлик». «Адабиёт кўзгуси» 2002 йилу 7 –сон.
36. Навоий асарлари Мунис дастхатида. «Мозийдан садо», 2002й. 4-сон.
37. Лоқайд бўлмайдик. «Моҳият» газетеси. 2002 й. 8 ноябрь.
38. Матншунос. Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2003. 4 апрель.
39. «Жисмни қил садқа ано бошиға». «Қишлоқ ҳаёти» газетаси. 2004й. 6 март.
40. «Саҳо ва қарам соҳиби». «Қишлоқ ҳаёти» газетаси. 2004й. 1 апрель.
41. «Асқад Мухторга хатлар». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004. 14 май.
42. «Индамас ким?». «Хуррият» газ. 2004й. 18 август.
43. Етук адабиётшунос. «Қишлоқ ҳаёти» газетаси. 2004й. 26 август.
44. Навоийнинг ҳаёт йўли. «Мозийдан садо» ж., 2004й. 5-сон.
45. Навоий аёллар мадҳида. «Ҳидоят» жур. 2005 й. 4-сон.
46. Саҳоватпеша давлат арбоби. «Солиқ-божхона хабарлари» газ., 2006й. 7 февраль.
47. Шукроналик. «Фидойи олим ва беназир инсон». Мақолалар тўплами. 2006 й.
48. Маънолар хазинаси – юртбоши ҳадяси. «Навоийга армуғон» илмий мақолалар тўплами. 2006й. 5-сон.
49. Дўстлик хотирасига битилган ғазал. «Адабиёт кўзгуси» № 9, 2006й.
50. Бир мактуб шаҳодати. «Ҳамшира» ж., 2007й., 2-сон.
51. Ҳимоя. «Маърифат» газ., 2007, 22-декабрь. № 102. (8023)
52. Навоий юрт кезади. Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2009.
53. Назм аҳлининг устози. «Тошкент оқшоми». 2009. 4 февраль (№ 24).